



ERKIN YURT

БУХОРОДА ОЛИНГАН GOOGOOSHA КЛИПИ ИСЛОМНИ ОЁҚОСТИ ҚИЛГАН



Президент Ислам Каримов кизи Гулнора Каримова – Гугушанинг «Round Round» деб номланган инглиз тилидаги кўшиғига ишланган видео-клипи Интернетда эълон қилинган.

Гулнора Каримова бу кўшиғининг Америкадаги Биллборд ҳафталик хит-парадда юкори ўринни эгаллади деб айтган ва шу йил ёзда кўшиқ асосидаги видеоклип Бухоро шаҳрида тасвирга олингани ҳақида хабар қилинган эди. Клипда севгилиси висолига етиш иштиёқидаги йигит Бухоронинг осойишта кўчалари ва қадимий бинолари устида югураётгани акс этган. Видеоклип Интернетда эълон қилинганидан кейин веб оламидаги форумларда кенг баҳсу-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Видеоклип ва кўшиқ ҳақида ўзбекистонликлар клипдаги ошиқ йигитнинг Бухоро шаҳрининг Ислам оламида кадрланадиган қадимги биноларини оёқости қилгани ҳақида ёзмоқдалар, ЮНЕСКО муҳофазасидаги биноларнинг устида видеоклип тасвирга олишга рухсат берилмаслиги лозимлиги айтилмоқда.

Googoosha нинг «Round Round» клипини дастлаб кўраётган одам беихтиёр «эпирай!» деб юбориши тайин. Клипнинг бошидан охиригача севгилиси висолига етиш иштиёқидаги қахрамон йигит Бухоронинг осойишта, қадимий кўчаларидаги минг йиллик биноларни қайта-қайта тегиб, томлари устида ўмбалок ошиб маъшуқаси томонга ошиқади. Г.Каримова ўз мақсадига аниқ етган дейиш мумкин: дунёда ҳали ҳеч бир кўшиқчи ватанидаги тарихий биноларни бу қадар оёқ остига олиб клип олмаган ва уни дунёга уялмай кўз-кўз қилмаган эди.

Бухоронинг Юнеско тасарруфига олинган тарихий муқаддас обида-

ларига нисбатан бу қадар беписанд муносабат билан Г.Каримова ўзининг маънавий даражаси, халқ тарихига ҳақиқий муносабатини ошкор этиб қўймадимми? - деган савол туғилади.

BBC радиоси саволларига жавоб бераркан, ЎХХ мувофиқлаштирувчиси Намоз Нормўмин, клип фақат кўшиқ эмас, Гулнора Каримованинг рекламасининг бир парчаси эканини айтган. «Бухорои Шариф эскидан исломий бир марказ, имом Бухорийнинг ватани. Бундай бир тарихий обидаларнинг устида бу тарзда кўшиқ айтиш, ўзбек миллатининг на диний эътиқодига ёки бўлмаса миллий қадриятларига ҳеч бир шаклда мос келмайди. Бу исломда аёл киши кўшиқ айтмаслиги керак, санъат билан шуғулланмаслиги керак экан, деган маънони билдирмайди».

«Лекин бу шаклда исломий қадриятларни оёқ ости қилиб суратга олдириш мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлайман. Каримова бу иши билан ўзбек маънавиятидан, қадриятларидан қанчалик узокдалигини кўрсатиб қўйди. Бу унга тескари маънода хизмат қилиши ҳам мумкин. Бу кўшиқ билан у обрў топгани йўқ, олдинроқ Викиликс сайтида эълон қилинган маълумотларга биноан Каримова Ўзбекистонда энг нафрат қилинадиган шахс сифатида келтирилади. Лекин Каримова хоним Ўзбек халқи хоҳлайдими йўқми шундай йўллар билан отасининг тузумини давом эттиришни хоҳлаяпти ва бунинг устида ишлаяпти», - дейди Н. Нормўмин BBC билан суҳбатда.

Бундан олдинроқ Тошкентда ўтказилган матбуот анжуманида Каримова хоним, Round Run кўшиғининг муваффақияти ҳақидаги даъволари қалбаки эканлиги борасида интернетда айтилган фикрларга муносабат билдириб, «Мен бу кўшиқ Hot Dance Hits рангида бешинчи ўринни олганлигини расман тасдиқлаш масъулиятини ўз бўйнимга оламан», деб айтган эди. «Биллборд» журнаliga реклама бериш учун ва кўшиқни оммавийлаштиришга бел боғлаган продюсерга бу борада бирон пул тўланмаган, деган Г. Каримова.

Billbord нинг билдиришича эса, журнал муқовасида Googoosha сурати реклама бўлган ва бу реклама учун пул тўланган.

“МТС –ЎЗБЕКИСТОН” ИШИ БЎЙИЧА САЛИМ АБДУВАЛИЕВ СЎРОҚ ҚИЛИНМОҚДА

Ўзбекистон ҳукуматидаги ишончли манбаси тақдим этган маълумотга кўра, Ўзбекистон Бош прокуратураси «МТС – Ўзбекистон» ишига боғлиқ иқтисодий қаллобликларда «айбдор» бўлган яна бир шахсни «топган».

(Давоми 2-Бетда)

ЎЗБЕКИСТОН МТРК РАҲБАРИ ИСТЕЪФО СУРАДИ, АММО...

Шу кунларда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (МТРК) раиси Алишер Хўжаев ўз ихтиёрига кўра ишдан бўшатиш аризасини ёзган, лекин Ўзбекистон президенти Ислам Каримов бу аризага имзо қўймаган, дея хабар беради Республика ҳукуматидаги ЎХХ манбаси.

(Давоми: 2-Бетда)

АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ ШАХСИЙ «БОИНГ» И АНИҚЛАНДИ

Абдулла Ниғматовичнинг «Боинг» иши билан эса МХХ терговчилари шуғулланишмоқда. Уларнинг ҳисобларига кўра, самолёт 160 миллион долларга харид қилинган.

(Давоми: 3-Бетда)

УШБУ ҲАҚИҚАТНИ ХАЛҚ БИЛСА БЎЛДИ

Бу хатни ёзишимдан мақсад ҳукуратимиз томонидан одамларнинг таъбир жоиз бўлса худди қўйдек пахта далаларига ҳайдаши бўлди. Биз яшайдиган туманда пахта териш муносабати билан бозорлар 10 сентябрдан расман ёпилган бўлсада, лекин бизнинг бозор ишлаётганди.

(Давоми: 3-Бетда)

ЖАСЛИҚДА ДЎЗАХНИ КЎРИБ КЕЛДИМ

Мен ҳаваскор журналистман. Уёқ-буёқни ўйлаб ўз исминми ёзмайпман – мени тушунасизлар деб умид қиламан – Менинг акам Қорақалпоғистондаги Жаслиқ қамокхонасида ётганига тўрт йил бўлди. Ҳали яна ўн йил ўтириши керак. Яқинда янгамнинг кўзи ёриганлиги учун бу сафар акамнинг олдида биринчи марта мен келдим.

(Давоми: 4-Бетда)

“МТС –ЎЗБЕКИСТОН” ИШИ БЎЙИЧА САЛИМ АБДУВАЛИЕВ СЎРОҚ ҚИЛИНМОҚДА



Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг Ўзбекистон ҳукуматидаги ишончли манбаси тақдим этган маълумотга кўра, Ўзбекистон Бош прокуратураси “МТС – Ўзбекистон” ишига боғлиқ иқтисодий каллобликларда “айбдор” бўлган яна бир шахсни “топган”. Бу икки ой аввал фуқаролик паспорти олиб қўйилиб мамлакатдан ташқарига чиқиб кетиши ҳам таъқиқланган йирик тадбиркор Салим Абдувалиев.

Манбанинг сўзларига кўра, Салим Абдувалиевни навбати билан Бош прокуратура ва МХХ (Миллий Хавфсизлик Хизмати) терговчилари сўроқ қилмоқда. Тергов органлари Салим-бой Хитойнинг “Huawei” ва “ZTE” ширкатлари билан собиқ вице-примьер Абдулла Ориповлар орасида Хитой телекоммуникация ускуналарини Ўзбекистонга олиб келишда орачилик қилганликда гумон қилишмоқда. Бу ускуналар ИП “МТС – Ўзбекистон”

ширкатининг эҳтиёжини ҳам қондирган.

“С.Абдувалиевдан тинимсиз икки ойдан бери кўрсатмалар олинмоқда. Терговчилар ундан Ўзбекистондан четга чиқмаслик ҳақида тилхат олиб, собиқ вице-примьер Абдулла Ориповга нисбатан кўзгатирилган иш юзасидан тергов тугагунига қадар унинг фуқаролик паспортини ҳам олиб қўйишган”, – деб хабар қилади Ўзбекистон ҳукуматидаги ЎХХнинг манбаси.

Унинг сўзларига кўра, тергов ишлари чоғида Бош прокуратура Салим Абдувалиевга бир бор мамлакатдан ташқарига чиқишга рухсат берган, бу ҳам бўлса шу йилнинг август ойида Лондонга бориб Олимпиада мусобақаларида қатнашган ўзбекистонлик курашчи Артур Таймазовнинг “қўллаш” учун. Маълумки бу мусобақаларда курашчи олтин медаль совриндори бўлди ва бу Ўзбекистон терма жамоасининг қўлга киритган ягона олтин медали бўлди. Телеканллар бу ўйини тўғридан тўғри намоиш этишди ва ғалаба маррасидан сўнг Салим Абдувалиев гилам устига югурганча чиқиб ўзининг курашчисини муборакбод этди. Бироқ Ўзбекистон телеканллари ўз спортчисининг табрикляётган Салим-бойнинг экранда пайдо бўлиши биланоқ, тўғридан-

тўғри эфирни узди.

Тергов органлари ўша заҳотиёқ Лондондаги Салим Абдувалиевга кўнғироқ қилиб, зудлик билан Тошкентга қайтишини талаб қилишди. Лекин “йирик тадбиркор” зудлик билан эмас, фақат Артур Таймазов ғалабасига бағишланган зиёфатдан сўнг Тошкентга қайтишини маълум қилди. Кейинги кун эса ғолибнинг шарафига берилган банкетда яхшига ичиб олган Салим Абдувалиев кеча Артур Таймазовнинг ғалаба қозониши учун етти миллион “кўкидан” сарфлаганини баралла ошкор қилди.

“Мең бу пулларни бизнинг ватанимиз Ўзбекистоннинг шарафи учун сарфладим. Ислом Каримов эса бунга тупириб қўйган. Унинг МХХ ва прокуратураси менинг зудликда Тошкентга қайтишимни талаб қилапти. Бу адолатданми?!” – деган С.Абдувалиев.

Ҳукуматдаги ЎХХ манбасининг маълум қилганига кўра, Салим-бой Тошкентга юқорида айтилган банкетдан уч кун ўтиб қайтиб келган. “Терговчилар тагин унинг паспортини олиб қўйишган ва яна бир бор Ўзбекистондан ташқарига чиқмаслик ҳақида тилхат олишган”, – дея хабар қилади ЎХХ нинг манбаси. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати www.uzxalqharakati.com

ЎЗБЕКИСТОН МТРК РАҲБАРИ ИСТЕЪФО СЎРАДИ, АММО...

Шу кунларда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (МТРК) раиси Алишер Хўжаев ўз ихтиёрига кўра ишдан бўшатиш аризасини ёзган, лекин Ўзбекистон президенти Ислом Каримов бу аризага имзо қўймаган, дея хабар беради Республика ҳукуматидаги ЎХХ манбаси. Манбанинг сўзларига кўра, Алишер Хўжаевнинг бундай ҳатти-ҳаракатига сабаб, унинг қудаси, Бош вазир собиқ ёрдамчиси Абдулла Ориповга нисбатан жинойи иш кўзгатилиши бўлган. А.Орипов устидан олиб борилаётган тергов жараёнида бир неча объект, жумладан, МТРК медиа-маркази (Тошкентдаги Ўзбекистон ва Абай кўчалари кесишувида) биноси қурилишининг нархи сунъий тарзда кўтарилганига оид фактлар аниқланган. Ушбу объектга пудратчиларни МТРК раҳбарияти тасдиқлаган бўлиб, қурилиш учун ажратилган маблағ бюджетдан Абдулла Орипов бошқараётган Ўзбекистон алоқа ва информациялаш агентлигининг (УзАСИ) банк ҳисобларига ўтказилган эди. “Собиқ ҳамкори ва қудасининг тилидан гуллаши қаерларга олиб боришини дарҳол фаҳмлаган Алишер Хўжаев, ўз ихтиёри билан



истеъфо беришга, ва шу йўл билан тергов органлари эътиборидан қутулишга ҳаракат қилган. Бироқ давлат раҳбари унинг аризасини имзоламаганига қараганда, афтидан, А.Ориповнинг молиявий маҳнацияларида А.Хўжаев ҳам ара-лашганидан И.Каримовни хабардор этишган” – дейди ЎХХнинг ҳукумат доираларидаги манбаси. Ҳукумат мулозимининг сўзларига кўра, Ўзбекистон Бош прокуратураси ва МХХ терговчилари А.Хўжаевни қимматбаҳо «Boeing-747» лайнери сотиб олишда иштирок этганликда гумон қилмоқдалар. Лайнер А.Ориповнинг Қозоғистон фуқароси бўлган қариндошлари номига расмийлаштирилган. “А.Хўжаевни эса мазкур американ лайнерини сотиб олишда ҳиссаси бўлганликда

гумон қилишмоқда. Терговчилар гумонига кўра, бу хариднинг яна бир “ҳиссадори” А.Ориповнинг вазирликдаги сафдоши Фаттоҳ Жалоловдир” – дея хабар беради ЎХХга хайрихоҳ мулозим. Эслатиб ўтамыз, Ўзбекистон тергов органлари Бош вазир собиқ ўринбосари Абдулла Ориповни 160 млн АҚШ доллари эвазига «Boeing-747» учоғи сотиб олганликда гумон қилмоқдалар. Терговчилар иддаосига кўра, учоқ ҳозир Қозоғистон Республикаси ҳудудида қолмоқда. Бундан ташқари, Бош вазир собиқ ёрдамчисининг Алишер Хўжаев ўғлига никоҳланган қизининг ҳам бошига қора кунлар тушган. Маълумки, МТРК раҳбари вице-премьернинг қизини уйдан ҳайдаб юборган ҳамда ўғлини ишқалчи мулозимнинг қизи билан ажрашишга мажбур қилган. “Гарчи МТРК раҳбари А.Хўжаев, собиқ қудаси А.Орипов билан орани узган бўлса-да, ўзбек ҳуқуқ-тартибот органларининг таъқибидан қутула олмайди. Шундай экан, жуда яқин кунларда Алишер Хўжаевнинг ҳам қора кунлари бошланади” – дейди ЎХХнинг юқори лавозимли манбаси.

ЎХХ ахборот маркази

АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ ШАХСИЙ «БОИНГ»И АНИҚЛАНДИ

«Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» МАК –си собиқ Бош Вазир ўринбосари Абдулла Ориповнинг ўз шахсий «Боинг»и билан бойиши мумкин Яқин кунларда “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” (МАК) Ўзбекистон Бош Вазир ўринбосари Абдулла Ориповга тегишлик бўлган «Boeing-747» ҳаво лайнери билан бойиши мумкин, – деб хабар қилади ЎХХ (Ўзбекистон Халқ Ҳаракати)нинг ҳукуматдаги манбаси. Манбанинг сўзларига кўра, ҳозирда Ўзбекистон ҳукуматида юқори мансаблардан бирини эгалланган амалдорига тегишлик бўлган бу қимматбаҳо лайнер АҚШ дан Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида келтирилган ва ҳозирда ўша ерда турибди. Абдулла Ниғматовичнинг “Боинг” иши билан эса МХХ терговчилари шуғулланишмоқда. Уларнинг ҳисобларига кўра, самолёт 160 миллион долларга харид қилинган. Унинг учун тўланган пул Хитойнинг “Huawei” ширкатидан тўланган, – деб хабар қилади Ўзбекистон ҳукуматидаги манба. Унинг таъкидлашича Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Остонага қилган сафаридан кўзланган мақсад “Боинг” масаласини ҳам ҳал қилиш эди. “Каримов Қозоғистон ҳукумати-нинг самолётнинг Тошкентга учушига рухсат беришини талаб қилган, бироқ қозоқлар ўзбошимчилик билан бу масалани еча олишмади. Самолет расман Абдулла Ориповнинг унинг Қозоғистон фуқароси бўлган бир қариндоши номига олинганди”. – дейди ЎХХ нинг Ўзбекистон ҳукуматидаги манбаси. Унинг келтираётган маълумотларига кўра, бу мушкул масала Ўзбекистон фойда-

сига ҳал бўлиши мумкин. Сабаб, Абдулла Ориповнинг “синдирилгани” ва энди унинг қозоғистонлик ҳамтовоқларига нисбатан ҳам чора қўрилишида қолаётди. Ҳукуматдаги ЎХХ хайрихоҳ мансабдор таъкидлашига кўра, Ўзбекистон МХХ си Абдулла Ориповнинг қимматбаҳо самолёт харид қилгани ва уни Қозоғистонда сақлаётгани ҳақидаги маълумотни қўлга киритиши биланок, бу ҳақида Ислон Каримовга хабар қилган. Ўзбек президенти вице-примьерни дарҳол хузурига чақириб, уни қаттиқ дўппослаган. “Мана, нима учун президент Ислон Каримов яқинда Жанубий Кореяга қилган сафаридан корейлардан информация-коммуникациялари бўйича бирор юқори малакалик мутахасисни вице-примьер ўрнига беришни сўраган, яъни Абдулла Ориповнинг ўрнига”. – дейди ушбу манба. Бу нафакат Каримов учун, балки бутун Ўзбекистон учун ҳам шармандаликдир. Олдинига корейлар унинг илтимосидан хайратга тушишди. “Нима, Ўзбекистонда ҳалол мутахасислар қолмадими?” дея заҳарханда қилишди улар. “Абдулла Орипов Каримовнинг энг ишонган одамларидан бири эди. Энди эса у ҳалол одамларни хоридан изламоқда. Чунки унинг ўзи ўз ишининг устаси бўлган ҳалол одамларни йўқ қиладиган бу системани қуриб тиклаган”. – деди ЎХХ нинг ҳукуматдаги манбаси. Президент кабинетида олган “нокаут”дан сўнг Абдулла Ориповга яна бир “нокаут” олишга тўғри келди – энди эса оила муҳитида. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг раиси бўлган



Алишер Хўжаев Абдулла Ориповга куда эди ва у бу собиқ вице-примьернинг қизини уйдан ҳайдаб солди, ҳамда ўз ўглини бу хатарлик мансабдорнинг қизидан ажралишга мажбур қилди. Орадан бир ҳафта ўтгач Абдулла Орипов Алишер Хўжаевнинг кабинетига келди ва у нима учун ҳеч бир сабабсиз қизини ҳайдаб солганини сўради. Собиқ чекист ва Абдулла Ниғматовичнинг оталиги остида бўлган Алишер Хўжаев бу қарорига бирор тушинтириш бериб ўтирмади: у ўзининг собиқ ғамхўри ва қудасини тўғридан тўғри “кераклик жойга” йўллаб қўйди. Шундан сўнг А.Орипов ва А.Хўжаевлар орасида муштлашув бўлиб ўтди. Бу бебош мансабдорлар, телерадиокомпанияни қўриқловчи хизматчилар уларни ажратиб қўймагунларигача, муштлашувни бино йўлджоқларида ҳам давом этдиришган. Ўзбекистон ҳукуматидаги ЎХХ нинг манбаси бераётган маълумотга кўра, шу кунларда расмий томонлар «Boeing-747» самолётининг қўшни Қозоғистондан Тошкентга келтирилишининг ҳукукий томонларини муҳокама қилишмоқда.

ЎХХ Ахборот маркази

УШБУ ҲАҚИҚАТНИ ХАЛҚ БИЛСА БЎЛДИ

Бу хатни ёзишимдан мақсад ҳукуватимиз томонидан одамларнинг таъбир жоиз бўлса худди қўйдек пахта далагарига ҳайдаши бўлди. Биз яшайдиган туманда пахта териш муносабати билан бозорлар 10 сентябрдан расман ёпилган бўлсада, лекин бизнинг бозор ишлаётганди. Шунга қарамасдан 28 сентябрдан бозоримиз умуман ёпиб қўйилди. Савдогорлар бозор атрофидаги кўчаларга кўчирилган, нима эмиш бозор кеч соат 18.00 дан ишлармиш. Бундай ҳолат қолган шаҳарларда ҳам кузатиляпти. Бундан ташқари Ўзбекистон қонунларида тадбиркорларлар давлат ҳимоясида дея баралла жар солаётган ҳукуватнинг ўзи тадбиркорларни пахта теримига мажбурий жалб қилмоқда. Агар пахта теришга бормасанглар савдо қилмайсизлар, дағдаға ҳам

қилмоқда. Яна бир гап ҳаммага маълумки, ўқитувчилар оммавий равишда пахта теримига жалб қилинмоқда. Бир таниш ўқитувчи бор эди. 6 ойлик ҳомиладор бўлишига қарамай, пахта теришга олиб кетилди ва ўша куни шифокорлар текшируви билан орқага қайтарилган. Уша ўқитувчининг айтишича улар борган жойда на ичишга яроқли сув на да бошқа шароит бор экан. Ҳозир деярли ҳамма жойда аҳвол шу. Бунга ортиқ кўз юмию бўлмайди, 4 миллион тонна пахта учун 4 миллион одамнинг тинчини бузиб, халқнинг нафратига сабаб бўлмоқда бизнинг ҳукуват. Буни-сига нима дейиш мумкин: газ ва электрни гапирмаса ҳам бўлади, одамларнинг сабр косаси тўлди, нима қилишга ҳам бош қотган. Намойиш қилайлик де-

сақ ўзингизга яхши маълум, Ўзбекистонда бунинг иложи йўқ ҳозирча. Аммо инсонларга кўчага чиқ дейилса чиқадиган бўлиб турибди ўзи. Сизга яхши маълумки кадрларни ишга жойлаштириш масаласида ҳам етарли муаммолар бор. Шу йил ўқитиб битирган, мен билан бирга институтни битирган 55 та курсдошимнинг бор йўғи 10 % ишга кирган у ҳам бўлса ўзингизга маълум йўллар билан (яъни пора бериб). Ҳукуват ўтган йили 1 миллион кишини иш билан таъминладик, дея жар солди. Зеро ўтган йили ўқитиб битирганларнинг 70% ишсиз, улардан кўпи иш топиш учун чет элларга мардикдорлик қилиш учун кетмоқда. Илтимос шу ёзганларимни мақола тарзида эълон қилсангизлар. Буларнинг барчаси ҳақиқат фақат исми мени ёзмагангизлар, ушбу ҳақиқатни халқ билса бўлди....

ЖАСЛИҚДА ДЎЗАХНИ КЎРИБ КЕЛДИМ



Мен хаваскор журналистман. Уёқ-бүёқни ўйлаб ўз исмиمنى ёзмайман – мени тушунасизлар деб умид қиламан. Менинг акам Қорақалпоғистондаги Жаслик қамокхонасида ётганига тўрт йил бўлди. Ҳали яна ўн йил ўтириши керак. Яқинда янгамнинг кўзи ёриганлиги учун бу сафар акамнинг олдига биринчи марта мен келдим. Жаслик ҳақида янгамдан кўп нарсаларни эшитганман. Аммо эшитган бошқа, кўрган бошқа экан. Кўрганларим юрагимни эзиб юборди. Қамокхонанинг маъмурлари ҳайвонсифат ваҳший бўлиб кетишган экан. Шуларни ҳам она тукқанмикин, деб ўйлайсан киши. Булар ўз болаларини бошқаларга ваҳшийлик қилиб боқаётганларини хис қилишармикин? Бу ердаги тартибни одамлар билмайди. Улар қаёқдан ҳам билсин? Одами Жаслик қамокхонасида ётган оила вакили бу дўзахдан ўз ёғига ўзи қовурилиб қайтиб келади. Менинг янгамдай кўрганларини ўз оила аъзоларига йиғлаб айтиб беради, оиладаги бошқа хотин-халаж бизнинг оиламиз каби кўшилишиб йиғлашса керак. Оху-фиғон шу оила ичида қолиб кетаверади. Янгамни кўрган кўни-кўшнилар “эрингизнинг соғлиқлари яхши эканми, чиқаришар эканми яқин-орада?” деб кўнгил учун сўраб ўтиб кетаверишади. Бошқа жойларда ҳам гап шу бўлса керак. Мен кўрганларимни ёзишга қарор қилдим. Ёзмасам бўлмайди. Ёзмасам ўзимни кечира олмайман. Тошкентлик Наргиза опа 12 сентябрда ногирон қайнонаси билан эри Махмуд Дадабоевич Абзалов билан учрашиш учун Жасликқа борди. Мен ҳам шу поездда эдим. Қайнонаси иккита қўлтиқтаёқ билан зўрга юради, етти марта операция қилинган, ёши 80 га яқинлашган кампир. Ўғли 159-модда билан айбланиб қамалган. Жаслик қамокхонаси мутасаддилари уларни махбус Махмуд Абзаловнинг олдига киритишмади. Қайнона-келин Жасликқа кечаси етиб боргани, борганлар кўп бўлгани ва меҳмонхонада жой бўлмагани учун улар ерда ётишган. Мен ҳам ерда ётдим, лекин мен ёшман, 80 ёшли онахон кечани ерда қандай ўтказдилар экан? Ўзбекистон ҳукумати диндорларга қўшимча жазо сифатида янги-янги, бир-биридан тугуруқсиз қонунлар чиқармоқда. Яқингача паспортда никоҳдан ўтганлигини кўрсатувчи штамп бўлса аёллар ўз эрлари олдига қираверишар эди. Тўрт ой илгари ҳукумат бу тартибни ўзгартириб янги тартиб ўйлаб топибди ва уни эълон қилмасдан ҳаётга жорий қилибди. Энди эрининг олдига кириши учун аёлнинг

қўлида паспортдан ташқари никоҳ қоғози ҳам бўлиши керак экан. Янги тартибни кимдир эшитган, кўпчилик эса эшитмаган ва одатдагидай паспорти билан йўлга чиққан. Наргиза опа ана шундай аёлларнинг бири бўлганлиги учун эрининг олдига киритилмаган. Қамокхона Жасликдан саккиз километр нарида бўлгани учун одамларни қамокхонага автобусда олиб борилади. Бироқ қамокхонага одамлар йўлда икки жойда текширувдан ўтишлари керак. Учрашувга борадиган одамларнинг баъзилари қамокдаги одамига икки сумка, баъзилари уч сумка нарса (озик-овқат, кийим-кечак) олиб борса, баъзилари беш-олти сумка нарса олиб боришади. Автобусдан тушгандан кейин ҳар қандай одам ичкарига ўз сумкаларини ўзи ташиши керак. Бировни бировга ёрдам беришига йўл қўйилмайди. Наргиза опа эрига беш сумкада нарса олиб келган экан. Кечани ерда ётиб ўтказган қайнона-келин эрталаб зонага кириш учун никоҳ қоғози бўлиши кераклигини билишди. Наргиза опа ва қайнонасининг қон йиғлаб “биз эшитганимиз йўқ, бизга ҳеч ким айтмаган, шу сафар кириб чиқайлик, кейинги сафар албатта никоҳ қоғозини олиб келамиз” деб илтимос қилишларига маъмурлар кулоқ ҳам солишмади. Наргиза опа никоҳ қоғозини олиб келиш учун қайнонасини юкларнинг олдига қолдириб Тошкентга жўнаб кетди. Ҳатто битта сумкани кўтара олмайдиган кампир ҳам ўғлининг олдига кира олмади. Мен акамнинг олдидан 16 сентябрда чиққан бўлсам, кампир хали ҳам келинини кутаётган экан. Мен поездда Наргиза опанинг телефон номерини олудим. Ҳайрон бўлиб Наргиза опага телефон қилсам, у йиғлаб никоҳ қоғозини ҳеч қаердан топа олмаганини, ҳамма жойини кўплашиб қидирганини гапириб берди. Эртага ЗАГС бўлимига бориб дубликатини олишга ҳаракат қиламан, деди. Мен кирмасимиздан олдин бир мулозим “дубликат-публикат кетмайди, никоҳ қоғозининг асл нусхаси бўлиши керак” деган эди-ку, сиз ҳам эшиткадингиз-ку” десам Наргиза опа “нима қилай, қайнонамни олиб келишга ҳам боришим керак-ку” деди. Э Худо, одамларни шунчалар ваҳший қилиб яратганмисан? Саксон ёшли ногирон онанинг нима айби бор? Шунчалар қийнашадими бир муштиллар онани, бу ҳайвонлар? Қамокхонадаги бандаларининг нархи шунчалик пастми? Э Худо, бу ваҳшийларнинг жазосини Ўзинг бергин! Наманганлик Латифахон опа билан ҳам поездда анча гаплашиб келдик. Унинг эри 1999 йил 16 йилга қамалган экан. Жаслик биринчи очилганда олиб борилган махбуслардан бири экан. Эри қамалганда қўлида тўққиз ойлик боласи билан қолган экан. Ҳозир ўша ўғилчаси 13 ёшга кирибди. Кейинги икки ўғли УмарБақир ва УсмонАли эгизак бўлиб, ҳозир тўрт ёшда эканлар. Биринчи махбуслар олиб борилганда зона хали битмаган экан. Икки вагон махбусни чўлнинг ўртасида қамаб икки

кун иссиқда ташлаб кетишган экан. Кун иссиқлигидан ҳатто сувар ачиб кетган экан. Ўша сувардан ичиб махбуслар ичкетар бўлиб, касал бўлиб, нечтаси ўлган экан. Латифахон опанинг айтишича, 1999 йилда келишганда зона жуда ҳам кўрқинчли ахволда бўлган. Жасликқа қатнайди одамларнинг айтишича, охириги уч – тўрт йил ичида махбуслар асосан Жасликқа олиб бориляпти экан. Бунинг исботини учрашувга бораётган оилалардан ҳам билса бўлади. Зона ичида ахвол жуда оғир. Учрашувга кирган ёш болаларни коридорга чиқишга ҳам қўйишмас экан. “Хонангга кир!” деб милиция ходимлари бақириб туришади. Хонада эса болалар учун на бир ўйинчоқ, на бир телевизор, на бир радио, на бир бирон нарса бор. Болалар зеркишади ва яна коридорга чиқишни хошлашади. Чиқишлари билан милиция ходимлари «Хонагга кир!» деб бақиршади. Бундай шароитни атайлаб одамлар беизиши учун, ҳеч ким маҳкумнинг орқасидан йўқлаб келмасин деган мақсадда қилиб қўйишган, дейишади. Лекин одамлар ҳар қанча оғир шароит қилиб қўймасин, ҳар қанча хўрланса ҳам, ҳеч ким ўз яқинларидан воз кечиб кетгани йўқ. Ҳамма ўз яқинларини ҳар уч ойда кўриб туришга вақтида етиб бориб турибди. Овқатларни тайёрлаш учун хонага пичокни беришмас экан. Ҳамма нарсалар ошхонада тозаланиб, ўша ерда қилиняпти экан. Посилка ва бандерол олишни ҳам ҳар икки ойда бир марта қилиб қўйишибди. Ораси икки ой бўлмаса, жўнатган посилка ва бандеролингизни қайтариб юборар экан. Кўпчилик нарасини топширолмай қайтариб олиб чиқаяпти. Ҳали посилка олганига икки ой бўлгани йўқ, деб олишмаяпти экан. Рўза бошланганда зона бошлиғи Кенжаев маҳкумларнинг олдига кириб «рўза тутасизларми?» деб сўрабди. Улар тутамиз, дейишибди. Кенжаев «бизда рўза тутатишларинг учун шароит йўқ, шароит қилиб беролмайман», дебди. Маҳкумлар тутаверамиз, дейишибди. Рўздорларни жуда қаттиқ қийнашибди. Икки кун овқат беришмабди. Кўпчилик рўздор махбуслар хушидан кетиб қолибди. Кейин икки кунда бир марта овқат берадиган бўлишибди. Рўздорлардан 16 кишини битта воронок машинада 23 июлда йигирма кунга Нукус турмасига олиб боришибди. У ерда йигирма кун ушлаб туриб яна қайтариб олиб келишибди. Овқатлари яхшимас, гўшти йўқ, ёғон деса ҳам бўлади. Биринчи марта борсам ҳам бир нарса менга яққол билинди. Ҳукумат Жаслик қамокхонасини бекорга бу ерда қурмаган экан. Асосий мақсад махбуслар ва уларнинг яқинларини руҳан синдириш бўлган экан! Менинг назаримда ҳукумат мақсадига эришган эмас, чунки, ўйлашимча, Худонинг Ўзи одамларга куч-қувват ва сабр-тоқат бериб турибди. Эй, Парвардигор, содиқ бандаларингни ваҳшийлар қўлига ташлаб қўйма!

Зилола Эгамбердиева

ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ БОЛАЛАРНИНГ ИЛМ ОЛИШНИ ЗИНҲОР ИСТАМАЙДИ

Бу йилги пахта терими мавсумида Ўзбекистонда кутилмаган ва фавқуллодда бир ҳолат кузатилаёпти. Ҳар йили мактабларда ўқиш даври бошланиши ҳамон, пахта далаларига ҳайдаладиган Ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари негандир мактабларда қолдирилди. Чунки, пахта терими мавсуми бошланишидан сал олдинроқ, мамлакат Бош вазири Шавкат Мирзиёев мактаб ўқувчиларини пахта теримига жалб этишни таъқиқловчи қарорга имзо қўйган эди. Бу ҳақда хабарлар тарқатилганидан кейин, Ўзбекистондаги бир муаллим танишимиз, “Бу қарор ҳам хўжакўрсинга, болаларсин пахта терилмайди бизда!” деганди. Ҳар йили миллионлаб мактаб ўқувчиларини пахта далаларида қулдек ишлатиши туфайли, Ғарб давлатларининг танқидига дучор бўладиган Ўзбекистон ҳукумати, мамлакатда ноқонуний болалар меҳнати йўқлигини ҳар доим тинмай тасдиқлаб келади. 2010 йилда эса Ўзбекистон ҳукумати ҳаттоки, болаларга тегишли қарорга жиддий ўзгартиришлар киритиб, “Мана, бизда энди болалар меҳнати эксплуатация қилинмайди!” дея оламга жар солганди. Балоғат ёшига етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш ҳақидаги қонунга киритилган ўзгартиришлар 2010 йилнинг феврал ойидан кучга кириб, унда, болаларни далада ишлатилишига йўл қўйган фермер ҳам, ўқитувчи ҳам жавобгарликка тортилиши, ҳаттоки пахтага чиққан боланинг ота оналари ҳам жарима тўлаши кўрсатилган эди. Бироқ, 2010 йилнинг пахта терими мавсуми олдиан Ўзбекистон ҳукумати ўзи чиқарган қонунларни яна топтади: ўзбек болалари ўша йили ҳар доимгидек пахта-ни сўнги граммгача йиғиб-териб топшириб, кеч кузда синф хоналарига қайтиб келишди. 2011 йилда ҳам “Оқ олтин” болалар кўллари билан териб олинди. Бир иккита халқаро ташкилотлар озроқ шов-шув қилганини ҳисобга олмаганда, ўзгартиришлар киритилган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун борлигини биров эсламади. Шунинг учун ҳам, 2012 йилги пахта ҳосилини йиғиб териб олишни ташкил этиш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорининг, мактаб ўқувчиларини пахта теримига жалб қилишни таъқиқлаш ҳақидаги бандини Ўзбекистонда ҳеч ким жиддий қабул қилмади. Деярли барча мактабларда, 1 сентябрга келиб, пахта теримига тайёргарлик ҳар йилгидек тахт қилиб қўйилди ва ўқитувчилар маҳаллий ҳокимиятнинг имосини кута бошлашди. Кутилганидек, белгиланган куни маҳаллий ҳокимиятлардан мактабларга чопарлар келди.



Лекин, улар келтирган хабар ғалати эди: БУ ЙИЛ БОЛАЛАР ПАХТА ТЕРМАЙДИ, ПАХТАНИ ЎҚИТУВЧИЛАР ТЕРИБ БЕРАДИ! Жиззах шаҳридаги К. Фозилов номидаги 12 ўрта мактаб ўқитувчиларидан бирининг айтишича, вилоят бўйича барча мактабларнинг 18 минг нафарга яқин ўқитувчи ходимлари Дўстлик, Гагарин, Арнасой ва Зафаробод туманларида пахта теришга сафарбар қилинган. Бугунги кунга қадар, бирорта ҳам мактаб ўқувчиси пахта теримига жалб қилингани йўқ, дейди номини айтмасликни сўраган ўша ўқитувчи. Бу хабарни эшитиб аввалига қувондик. Чунки, неча йиллардан буён, бир қанча халқаро ташкилотлар ҳамда мамлакат ичидаги ва ташқаридаги ўзбек ҳуқуқ ҳимоячиларининг болаларни пахта далаларида кул каби ишлатилишига барҳам бериш борасидаги курашлари сезиларли натижасини бермаётган эди. Бироқ, Ўзбекистон вилоятларидаги мактаблардан олинаётган маълумотлар, қувонишимиз асоссиз эканлигини кўрсатди. Жиззах шаҳрида истикомат қиладиган С. исмли аёлниинг 6 синфда ўқийдиган ўғли, мана бир неча кунки мактабга боргани йўқ. “Сабаби шуки, мактабда ўқитувчи йўқ. Болалар мактабга бориб, бекор ўтириб қайтиб келишяпти. Адабиёт, Тарих каби дарсларни умуман мактабга алоқаси йўқ одамлар ўтаяпти экан” деди С. куйиниб. Зафаробод тумани марказида истикомат қиладиган бир гуруҳ ота-оналар ҳам фарзандлари мактабда илм олишмаётганидан нолишди. “Болаларни пахтага чиқарма, дейишди-да, ўқитувчиларни далага ҳайдашди. Алихўжа эди, Хўжаали бўлди. Мактабдаги малакали ўқитувчи далада пахта терса, болага ким дарс беради?” дейди Иброҳим исмли киши. “Кеча бордим мактабга. Тарих фанидан бир қиз дарс ўтаяпти. Кимсиз десам, вақтинча келдим, домла қайтгач кетаман дейди. Мактаб директори ўз қариндошини олиб келиб хўжакўрсинга дарсларни ўқитаяпти” дейди яна бир Арнасойлик аёл. Бундай ҳолат республиканин деярли барча вилоятларида ҳам кузатилаёпти.

Мактаблар ўқувчилар билан тўла, бироқ у ерда ўқитувчилар кам. Жуда кўп дарс соатлари мактабларда тасодиқий кишилар томонидан, дарс жўрнали тўлдириш учунгина ўтилаяпти. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ҳукумати миллатимизнинг ёш авлодларини тўлиқ ва малакали илм олиш ҳуқуқини бузишда давом этаёпти. Бош вазир Шавкат Мирзиёевнинг, болаларни пахта теримига чиқармаслик ҳақидаги қарори, ўзбек пахтасига нисбатан санкциялар жорий қилаётган хориж ширкатларини чалғитиш учун қилинган бир ҳаракатлиги аён бўлиб турибди. Ҳаммамиз ўзбек болаларининг тўлиқ илм олиши истаймиз ва айни шу мақсадда неча йиллардан буён демократик давлатларнинг эътиборини мамлакатимиздаги болаларнинг поймол этилаётган ҳақ ҳуқуқларига қаратишга уриниб келамиз. Энди Ғарб давлатлари ва ўзбек пахтасига санкция қўяётган хорижий ширкатлар “Мана, Ўзбекистонда ҳукумат болаларга пахта тердирмаяпти” дея ўз қарашларини ўзгартиришса, бу хато бўлган бўларди. Чунки, ўзбек ҳукумати ўзининг сўнги “оламшумул” қарори билан болаларимизнинг илм олишларини эмас, уларнинг ҳар куни мактабга қатнашларини таъминлади холос. Дунёда болалар қуллигини мониторинг қилувчи халқаро ташкилотлар, “Ўзбекистон ҳукуматига таъсир ўткази олдик” деб гердаишаётган бир пайда, маҳаллий ҳуқуқбонлар илм бериш ўрнига пахта тераётган ўқитувчиларни кузатаядлар. Мактаб ўқувчилари эса “биз туш кўраётган бўлсак керак, ишқилиб уйғониб қолмайлик-да...” деб мактаб ховлисида мазза қилиб ўйнаб юришибди...

Улугбек Ҳайдаров

ТОШКЕНТДА ИККИТА АВТОБУС ПАРКИ РАҲБАРЛАРИ УШЛАНДИ



Пойтахтдаги иккита автобус парки раҳбарлари ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қўлга олинди. Бу ҳақда 12news.uz интернет-нашри хабар тарқатган. Айтилишича, “12-автобус парки” бошқаруви раиси, Тошкент шаҳар кенгаши депутати Қудратилла Зиқиров ва “3-автобус парки” бошқаруви раиси Сайфулла Исаев давлат мулкини талон-тарож қилганликда айбланмоқда.



Россия Тергов кўмитаси ўтган йилнинг 24 сентябр куни, Иваново шаҳрида ўз

уйи олдида отиб кетилган ўзбек мухолифати етакчиларидан бири Фуад Рустамхўжаев қотиллиги бўйича тергов боши берк кўчага кириб қолганини айтмоқда.

ФУАД РЎСТАМХЎЖАЕВ ҚОТИЛЛАРИ ҲАНУЗ ТОПИЛГАНИ ЙЎҚ

ozodlik.org

Тергов тўхтаб қолди 24 сентябр куни Ўзбекистон Халқ Ҳаракати фаоли, Иваново шаҳар Жомеъ масжиди имом-хатиби Фуад Рустамхўжаевнинг ўз уйи олдида отиб кетилганига бир йил тўлди. 38 ёшли фаолнинг ўлдирилганини тергов қилаётган Россия Тергов кўмитасининг Иваново шаҳар бошқармаси бошлиғи муовини адлия подполковниги Надежда Суханова қотиллик ҳамон фош қилинмаганини маълум қилди. - Мен фақат, тафтиш амалиётларининг барча комплекси бажарилгани боис, тергов вақтинча тўхтаб қолганини айтишим мумкин. Бу жиноятни содир этган шахс аниқланмагани терговни вақтинчалик тўхтатиб қўйди. Аммо бу тергов мутлақо тўхтади, дегани эмас! Оператив-қидирув амалиётлар давом этмоқда, терговчилар ва ишни шахсан бошқариб бораётган тергов кўмитаси раҳбари тафтишни назорат қилиб турибди. Бу дегани, ҳар ойда бир маротаба тергов хайаги бу иш юзасидан йиғилиш ўтказди ва ҳисобот бериб боради, дейди Иваново шаҳар тергов кўмитаси вакили Надежда Суханова. Жиноят буюртма эканини эътироф этган тергов бошқармаси расмийси бунга ўхшаш жиноятлар одагга ёлланма қотиллар томонидан содир этилади ва

шу сабабли уни фош этишда муайян қийинчиликлар юзага келиши табиий, дейди. Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг Россия бўйича етакчиси, тадбиркор ва имом Фуад Рустамхўжаев 24 сентябр куни тунги 11 лар атрофида ўз уйи олдида отиб кетилган эди. 26 сентябр куни қотиллик юзасидан Россия Жиноят Кодексининг 105-моддаси, 1-банди бўйича жиноий иш очилган. 2011 йилнинг май ойида Берлинда таъсис этилган Ўзбекистон Халқ

ўлдирилиши юзасидан терговни суст-лаштирганини айтади Озодлик билан суҳбатда. - Охирги маротаба августда дадам билан борган эдик Ивановога, шунда документлар қўлдан қўлга ўтиб кетганини аниқладик. Улар очилмайдиган ишларни шундай қилар экан. Булар акамиз вафотида жудаям актив эди. Кейин негадир, билмадик, Россияда жиноятлар кўплиги учунми, ташлаб қўйишди ўз ҳолига. Биз ҳам бошида Оллоҳга топширганмиз бу

нарсани... Дадамни ҳам ҳафсаласи пир бўлиб чиқди. Акам раҳматлининг ай-

ҳаракатининг Россиядаги фаоли Фуад Рустамхўжаевнинг ўлими юзасидан Иваново терговчилари тўртта асосий версия устида иш олиб бораётгани тўғрисида Озодлик хабар берган эди. Швецияда ўзбек имоми Обид кори Назаровга қилинган суиқасд ва Ивановода Фуад Рустамхўжаевнинг ўлдирилиши ўртасида бирор боғлиқлик бор-йўқлиги тўғрисидаги Озодлик саволига Иваново Тергов кўмитаси вакиласи Надежда Суханкина терговчилар бу версияни ҳам текшириб чиқаётганини маълум қилди. Терговчилар Фуад Рустамхўжаевнинг ўлими унинг диний, иқтисодий, сиёсий фаолияти ва маиший сабаблар билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган версияларни текширмоқда. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати аъзолари ва Туркиядаги инсон ҳуқуқлари гуруҳлари ЎХХнинг Россиядаги фаоли Фуад Рустамхўжаевнинг ўлимини қоралаб, Ўзбекистоннинг Истанбулдаги консуллиги биноси олдида норозилик намойиши ўтказган. Ҳаракат аъзолари Фуад Рустамхўжаев ўлимида Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматини айбламоқда. Баҳодир Рустамхўжаев: "Терговни Оллоҳга топширдик!" Мархумнинг яқинлари ҳам терговчилардан тафтиш борасида бирор жўяли маълумот ололмаганидан ҳафсалалари пир бўлганини айтмоқда. Мархумнинг Қозонда яшайдиган укаси Баҳодир Рустамхўжаев Иваново терговчилари аввалига жуда фаоллик кўрсатгани, вақт ўтиши билан акасининг

падию ай-фонлари, иккита ноутбукларини олиб қўйишган эди терговга, шуларни қайтариб беришмади. Дадам "Беринглар, ўғлимдан эсталик сифатида", деса "Йўқ, делони ёпмадик", дейишибди. "Терговчиси билан учрашдим, ҳали бирор гап йўқ", дедилар дадам. "Бу қотилнинг қўл излари Россия территориясида маълумотлар базасидан чиқмади", дейишди,- дейди Фуад Рустамхўжаевнинг укаси. Баҳодирнинг шунингдек айтишича, акасининг оиласи Ўзбекистонга қайтиб кетган. - Бир йил муддат ҳақиқатан узок муддат... Оилаларини биз Ўзбекистонга жўнатвордик, келиноним ҳомиладор эди, эсингизда бўлса. Акамнинг кирқи чиқарчикмас зудлик билан шифохонага ётқизилад нобуд бўлиб кетди бола. Сикилишлардан дейишяпти. Иккита жажжи кизалоғи бор, келиноним билан улар ҳам Ўзбекистонда,- дейди Фуад Рустамхўжаевнинг укаси Баҳодир. Россияда кейинги йиллар ичида бир нечта мусулмон жамоалари раҳбарлари ўлдириб кетилган. 2010 йилнинг 10 октябрида уйига кетаётганида номаълум шахслар томонидан ўз машинасида отиб кетилган Янги Уренгой масжиди имоми Исомуддин Акбаров шулар жумласидандир. Асли Наманган вилоятининг Уйчи туманидан бўлган 51 ёшли Исомуддин Акбаров 90-йиллар ўрталаридан буён Янги Уренгой масжидида имомлик қилиб келган. Исомуддин Акбаров қотиллари ҳам ханузгача аниқланмади.

Шуми ўзбек аёли,
Шуми бизга малика,
Ўзбек нафрат қалади,
Ҳамма қилар калака.
Уни севади фақат,
Ежков деган кал ака...
Жонга тегдинг Пулнора,
Бизни тинч қўй Гулнора...
Ҳаё бор қонимизда,
Одоб бор жонимизда.
Инсоф истаимиз биз ҳам,
Кўҳна ватанимизда.
Шуми бизга малика,
Ҳамма қилар калака...
Жонга тегдинг Пулнора,
Бизни тинч қўй Гулнора...
Сен аввал тарбия кўр,
Сенга ярашмайди тўр.

ШУМИ ЎЗБЕК АЁЛИ... (БИР РАСМГА КИНОЯ)

Аввал ўзингни тузат,
Сўнгра ватанни кузат...
Шуми бизга малика,
Ҳамма қилар калака...
Жонга тегдинг Пулнора,
Бизни тинч қўй Гулнора...
Отанг ватанни сотди,
Зулмга тўймай, ботди.
Сенчи бизга бегона,
Халққа душман, ягона...
Шуми бизга малика,
Ҳамма қилар калака...
Жонга тегдинг Пулнора,
Бизни тинч қўй Гулнора...

Ватанпарвар Ўзбек
25 сентябрь 2012 йил



ЗАМОН ВА ТИБ: НИХОЯСИ ЙЎҚ БАҲС-МУНОЗАРЛАР...

Туркияда таниқли биолог олим Ойдин Солихнинг “Ҳақиқий тиббиёт” (Йўқотилган шифо изидан”) китоби иккинчи наشري турк ва ўзбек тилларида босмадан чиқди. Китоб илк бор 2008 йилда нашр этилган ва Туркияда катта қизиқиш билан кутиб олинган. Ойдин Солих ўз китобида инсон саломатлигини Куръон ва Ҳадисларга асосланган ҳолда яхшилаши, турли касалликлар, жумладан, саратондан ҳам табиий воситалар ёрдамида сақланиш йўллари баён қилади. Би-би-си билан суҳбатда китоб муаллифи янги нашрда у қадар катта фарқ йўқлиги, аввалгисида йўл қўйилган жузъий хатолар тузатилганини айтди. Шу билан бирга, Ойдин Солихга кўра, янги китобда замонавий тиббда сўнгги йилларда пайдо янги тенденциялар ҳақида сўз юритилади. Биз Доктор Ойдин Солихдан “Ҳақиқий тиббиёт”да деярли барча касалликлар ва уларнинг даъволари ҳозирги замон тиббиётидан анча фарқ қилади ва ё ўқувчида шундай таасурот қолдиради, ростдан ҳам бу фарқ шунчалар катта, деб сўрадик. Ойдин Солих: Ҳа, фарқ катта. Чунки, “Модерн тиб” ўларок номланган тибб 19 аснинг кимё ва физика фанларидаги кашфлари натижасида касалликларга бир бутун, яхлит шаклда қараш аънанасини аста-секин тарк эта бошлади. Ва у даволаш услубларини инерция буйича давом этишига қарамасдан, қадим тиббнинг мизож, ахлат (метаболик йиғиндилар ва чиқиндилар) ва орган функциялари билан боғлиқ билимларини рад этди. Технологиянинг ривожланиши натижасида тибб илми инсон организми ҳақида жиддий илмларни тўплашга муваффақ бўлди ва уларни тизимланган ҳамда таснифланган ҳолга келтирди. Аммо, давр ўтиши билан билимлар чуқурлашиб, ортиши ва соҳаларга бўлиниши оқибатида замонавий тибб организми ҳам худди соҳалар каби парча-парчага ажратиб даволашга урина бошлади. Организмнинг яратилишдан яхлитлиги ва органларнинг бири-бирига боғлиқлигини инкор қилиш даври бошлади. Бу янги ёндошув оқибатида яхлитлик концепсиюсида даволаш мумкин бўлган касалликларнинг даволаниши имконсиз ҳолга келди. Биз қадим тибб билимларини, айниқса, Ислом тиббиётидаги илмларни ниҳоятда мантқиқли кўряпмиз. Биз хасталиқларнинг давосига меёрида қилинган тиббий очлик, мизожга кўра овқатланиш ва метаболик йиғиндилардан организмни тозалашдан бошлагандик. Вужудни метаболик

йиғиндилар ва ё чиқиндилардан тозалаш учун қадим, ҳеч манфий ён таъсири бўлмаган услублардан фойдаландик. Банка қўйиш, қон олиш(хожамат), зулук қўйиш ва ўт-ўлан билан даволаш, шулар жумласидандир. Ва бу йўлда катта муваффақиятга эришдик. Би-би-си: “Ҳақиқий тиббиёт”нинг илк наشري ўзбек ва турк тилларида чикди ва катта қизиқиш билан қаршиланди... Лекин, баҳсталаб томони, Сиз болаларни турфа касалликларга қарши эмлашга бу китоб муаллифи ўларок қарши чиқасиз... Ойдин Солих: “Бирор марта эмланмаган болалар касалхонанинг нима ва қаерда эканлигини билишмайди, эмланган болалар эса, касалхоналардан чиқишмайди”, дейди Prafull Vijavakar, машхур гомеопат. Ниҳоят, бугунга келиб, эмлаш (“прививка”) моддаларининг тузилиши табиийликдан узоклиги ва одамлар учун умуман керак эмаслигини айтаётган шифокорлар кўпаймоқда. Чунки, одамнинг иммунитет тизими ўрганиш орқали ривожланади. Масалан, ўтмишда Англияда оилада бола касалланса, қишлоқдаги бутун болалар уни кўришга келишарди. Ва улар орасида заиф ва нимжонлар болаларга хаста боладан касаллик юқарди, аммо улар тузалгандан сўнгра ниҳоятда қувватланиб, ўша касалга ҳеч дучор бўлмасдилар. Соғлом болаларга, албатта-ки, касаллик юкмасди. Бола касалликларининг яратилишидаги ҳикмат – боладаги иммунитет тизимини ривожлантиришдир. Бугунги кунда эса ҳар қандай касалликка қарши мажбурлаб қилинаётган эмлаш соғлом болалардаги иммунитет тизимининг ривожланишига, кучайишига тўсқинлик қилмоқда. Афсус-ки, болалар эмлаш бадалини нафақат болаликларида, балки катта бўлганларида ҳам тўлашга мажбур бўлишади. Аллергия ва астма, онкологик касалликларнинг кўркинчи тезликда ортиб бориши ўта муҳим биологик қонунқоидалар бузилганини кўрсатиб турибди. Бу бузғунчиликлар орасида биринчи навбатда эмлаш туради. Бугун “Ген муҳандислиги” усуллари билан қуролланган биологлар эндиликда бактериял хужайраларга инсон протеинларининг синтезини амалга оширувчи генларни жойлаштиришмоқда... Иммунолог мутахассисларнинг ва инсонларнинг онгларида “эмлаш инсоннинг иммунитет тизимини кучайтириш учун қилинади”, деган фикр ўрнашиб қолган. Аммо, чақалоқлар 6-24 ой давомида пассив иммунитет тизимига эга бўлишади.



Бу даврда чақалоқларни касалликлардан онанинг сути билан ўтадиган антикорлар (антижисмлар) ҳимоя қилишади.

Би-би-си: Аммо, қоқшол (полиомиелит) каби касалликлар туфайли қашшоқ мамлакатда нобуд бўлган ва агар шу эмлаш бўлмаса, нобуд бўлажак болалар сони юз мингларча эҳтимол... Дунё олимлари бу эмлаш уларнинг ҳаётини сақлаб қолаётганини айтишади.

Ойдин Солих: Одамлар қоқшолга қарши эмлаш олиш муҳимлиги ҳақидаги тарғиботлар билан кўрқитилади, уларга кўра, ҳар қачон бу вирусни юктириш шоллик ва ё ўлимга олиб келади. Аммо, вирус юктирганларнинг 95 фоизда касаллик аломатлари зоҳир бўлмайди. Беш фоизда энгил бадан қизиши, тумов ва йўтал, айрим ҳолатларда бош оғриқ, қайт қилиш, томоқ оғриш ва ич ўтиши кузатилади. Умумий ҳолсизлик бўлади. Фақатгина мингтадан бир кишида мускуллар фалажланиши рўй беради ва бу ҳам аксарият ҳолларида ўзи ўтиб кетади. Кейин бу инсонда мустаҳкам иммунитет шаклланади. Шол фақатгина иммунитет тизимини турфа дорилар билан, масалан стероидлар, антиботиклар билан кучсизлантирганларга ва ё туғма нозик одамларга таъсир қилади. Полиомилетга қарши эмлаш тадқиқотчи мутахассисларда турфа хавотирли саволларни уйғотмоқда.

bbc.co.uk/uzbek/

Доктор Ойдин Солих Украинанинг Луганск вилоятида туғилган. Ворошиловград медицина ўқув юртини битирган, шифохонада ишлаган. 1977 йилда Тошкент Давлат Университетининг биология факультетини битирган. У талабалик йилларидан халқ таъбири, Ибн Сино тиббиёти ва айниқса “Тибби-набавий” (Исломий тиббиёт) билан қизиққан. 1993 йилда тақдир тақозоси билан Туркияга бориб, у ерда ўз илмини тажрибада синаб кўра бошлаган. Сўнгги 10 йил мобайнида юзлаб беморлар доктор Ойдин Солихнинг даволаш услуби билан шифо топган. Доктор Ойдин Солих Туркиядаги Табиий Тиббиёт Институтини Фахрий Президенти ҳамдир. Бу институт 2006 йилда фаолият бошлаб, расман 2012 йилда танилган.

“ЎЗДУНРОБИТА” ЁПИЛИШИ ЮЗАСИДАН РОССИЯДА ЖИНОЙ ИШ ОЧИЛДИ

Россия Ички ишлар вазирлигининг Тергов департаменти МТС компаниясининг Ўзбекистон бозоридан сиқиб чиқарилгани муносабати билан жиноий иш қўзғайди. Баъзи маълумотларга кўра, тергов материалларида “Ўздунробита” ширкатининг ёпилиши ортида унинг рақобатчилари қўли борлиги тахмин қилинмоқда. Россия Федерацияси ИИВ Тергов департаменти фавкулдда ҳолатларда қўлланиладиган Россия Жиноят Кодексининг 178-моддаси 2-қисми (“Рақобатга йўл қўймаслик, чеклаш ёки уни бартараф қилиш”) асосида “МТС-Ўзбекистон” ширкатининг Ўзбекистондан сиқиб чиқарилгани юзасидан жиноий иш қўзғатди. Россия Ички ишлар вазирлиги Тергов департаменти матбуот котиби Анжела Кастуева МТС компаниясининг Ўзбекистондаги шўъба корхонаси “Ўздунробита”нинг мамлакатдан сиқиб чиқарилгани юзасидан жиноий иш қўзғатилганини тасдиқлади, лекин тергов тафсилотларини ҳозирча очиклаш олмастлигини таъкидлади. Сизга фақат бундай жиноий иш ҳақиқатан қўзғатилганлигини тасдиқлашим мумкин, холос. Афсуски, бундан ортиқ маълумот бера олмаيمان, чунки Россия Федерацияси Жиноят Кодексига мувофиқ жиноий ишлар тўғрисида маълумот тарқатилиши кескин чекланган. Қолган саволлар билан Ички ишлар вазирлигига мурожаат қилинг, дея маслаҳат берди Тергов департаменти расмийси Анжела Кастуева. Озодлик Россия полицияси Тергов департаменти айнан кимни ёки қайси тузилмани жиноий жавобгарликка тортгани-

ни аниқлаш мақсадида Россия Ички ишлар вазирлигига мурожаат қилди. Бироқ, ИИВ матбуот маркази раҳбари Марина Молокова ҳам тергов манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бу иш тафсилотлари ҳозирча сир сақланаётганини айтди. Бироқ вазирлиқнинг шахси сир қолишини истаган бошқа ходимининг Озодликка айтишича, жиноий иш қўзғатилишига МТС раҳбариятининг Россия Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ҳамда Федерал монополияга қарши хизмат идораларига мурожаат қилгани сабаб бўлган. У шунингдек, тахмин қилинаётган жиноятлар Россия ташқарисида содир бўлгани инобатга олиниб, жиноий иш Россия Жиноят Кодексининг 12-моддаси 3-қисми (“Россия Федерациясидан ташқарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноий қонуннинг амал қилиши”) асосида қўзғатилганини айтди. Бу қонунда таъкидланишича, агар хориждаги шахслар Россия манфаатларига қарши жиноят содир этган бўлса, мамлакатда жиноий жавобгарликка торттилиши мумкин. МТСнинг Москвадаги бош қароргоҳи расмий вакили Валерия Кузменко мазкур хабарга бундай муносабат билдирди. Мен сизга фақат МТС-Ўзбекистон атрофида юзага келган вазият тўғрисида ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилганимизни тасдиқлашим мумкин, холос, деди Валерия Кузменко. МТС расмийси Ўзбекистон ҳуқуқати билан олиб борилган музокаралар натижа бермагани ва МТСнинг Ўзбекистондаги мулки аллақачон мусодара қилинганини қўшимча



қилди МТС Ўзбекистондаги саккиз йиллик фаолияти мобайнида “Ўздунробита” мобил оператори фаолиятини такомиллаштириш учун 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ инвестиция қилгани айтилади. Ўзбекистонда “Ўздунробита” га қарши текширувлар жорий йилнинг июн ойида бошланган эди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 17 июл куни “Ўздунробита” мобил оператори фаолиятини вақтинча тўхтатган эди. 31 июл куни эса Тошкент шаҳар ҳўжалик ишлари бўйича суди “МТС-Ўзбекистон” бренди остида ишлаган “Ўздунробита”ни лицензияларидан маҳрум қилиш ҳақида қарор чиқарди. 27 август куни “Ўздунробита” мулозимларига қарши текширувлар асосида тўпланган фактлар маҳкамага оширилди ва 17 сентябр куни Тошкент шаҳар суди “Ўздунробита” компаниясининг тўрт нафар ходимини уч йилдан шартли равишда озодликдан маҳрум қилди. “Ўздунробита” оператори фаолиятининг тўхтатилиши Ўзбекистонда миллионлаб абонентларнинг бир муддат алоқасиз қолишига сабаб бўлди. Ҳозирда абонентлар бошқа операторларга ўтиб кетган бўлсада, мамлакат бўйлаб уяли алоқа сифати сезиларли тарзда пасайгани кузатилмоқда.

ozodlik.org

Британиянинг Oxus Gold олтин ишлаб чиқариш компанияси Халқаро арбитраж маҳкамасига “Амантайтау Голдфилдс” қўшма корхонаси ва Хандиза конлари учун қўйилган инвестициялари борасида Ўзбекистон ҳуқуқатини маҳкамага тортган. Ўзбекистон ҳуқуқати билан Амантайтау Голдфилдс қўшма корхонаси ташкил этган Британ ширкати бу борада баёнот эълон қилган, бу баёнотда қўшма корхона юзасидан келиб чиққан можарони ўзбекистонлик шериклари билан тинч йўлда хал этиш уринишлари муваффақиятсизликка учрагани боис ушбу чорага қўл уришга қарор қилинган. Ширкат мурожаатида айтилишича, ариза билан бир қаторда 24 ноябр 1993 йил тузилган икки томонлама шартнома қонунларининг Ўзбекистон томонидан бузилиши оқибатида Охусга етказилган зарар миқдори тўғрисида ҳисобот ва экспертлар ҳулосаси

OXUS GOLD КОМПАНИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚУМАТИНИ СУДГА БЕРДИ

ҳам тақдим этилган. Охус ва Ўзбек ҳуқуқати ўртасидаги келишмовчилик компанияда ўтказилган текширишлар чоғида Британия ширкати иктисодий қонунбузарликда айблангач пайдо бўлган эди. Охус Goldнинг Ўзбекистон ҳуқуқатига муаммони хал қилишни сўраб қилган мурожаатлари жавобсиз қолгач, ширкат ўз фаолиятини тўхтатган ва текширув нагизлари тўғрисида шикоят қилишини маълум қилган. Ширкатга кўра, Ўзбекистон томонидан етказилган зарар қарийб 400 миллион АҚШ долларига тенгдир. Дунёда энг катта олтин захиралари жойлашган Қизилқум чўлларида иш олиб борган Британиянинг ширкати бир неча бор ўзига етказилган зарарни қоплашни сўраб илгари ҳам маҳкамага мурожаат этган эди. Охус Gold га кўра,

Ўзбек ҳуқуқати ўзларига ҳамда ширкат тасарруфидагиларга адолатсиз, нотенг ва таҳқирловчи муомала қилган, Британия билан Ўзбекистон ўртасидаги битимни бузган ҳолатда ширкатга тўла ҳимоя ва хавфсизлик таъминламаган. Охус Gold маълум қилишича, 2011 йил 21 июл куни Англия Олий маҳкамасига Ўзбекистон Молия вазирлигидан даъво аризаси келиб тушган, бунда Ўзбекистон тарафи Охус ширкатидан 10 миллион доллар миқдоридagi махсус дивидендди ундириб беришни талаб қилган. Ширкат бу билан Ўзбек томони маҳкамани компания манфаатлари ёқлишидан чалғитиш эканини айтган. Шунга қарамасдан, ширкат ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давом этишини билдирган.

<http://tiny.cc/ib24kw>

Инсон ёшлигида кўп хато қилади, ўрта ёшда камроқ хато қилади, кексайганда эса зотан фаолияти камайиб қолгани учун, хатолари деярли бўлмайди. Бу нормал инсонлар учун маълум қоидадир. Аммо инсонлар ичида шундайлари борки, улар хато нималигини ҳам, тўғрилик нималигини ҳам билмайдилар. Чунки уларга хўжайинлари нимани деса, худди тўтиқушга ўхшаб шуни такрорлайдилар. Ўзларида эса қолган инсонларга ўхшаб, мустақил фикр бўлмайди... Шундай тўтиқушлардан бири, ҳеч шубҳасиз “Узметроном” сайтнинг “муҳаррири” Сергей Ежковдир. Бу “муҳаррирнинг” вазифаси – ўзига айтилган гапларни тўтиқушдек такрорлашига кун-кеча унинг сайтида эълон қилинган “Гулноранинг ҳиссаси” (Гулина доля) ахбороти далил бўла олади. Ежковнинг сайрашича, шу кунларда Швейцария ва Швеция, умуман бутун дунёда шов-шувга сабаб бўлган диктатор Каримовнинг кизи Гулноранинг дунё бўйлаб пул ўйини қилгани ҳақиқатга тўғри келмас эмиш. Маълумки, шу кунларда Швеция матбуоти бу мамлакатнинг “ТелиаСонера” фирмаси Ўзбекистонда ўз фаолиятини йўлга қўйиш учун Гулнора Каримовага 320 миллион доллар (бу тахминан ҳозирги курсда 900 млрд, яъни сал-

ҚАРИ ТЎТИҚУШ



кам бир триллон ўзбек сўм бўлади) пора бергани ҳақида хабар таркатди ва хужжатли фильм намойиш қилди. Бу ҳақда Узньос сайти шундай дейди:

“TeliaSonera в 2008 году оплатила 2,2 млрд. шведских крон (320 млн. долларов США по курсу того времени) молодой жене из Дома стекла в Узбекистане, которая являлась правой рукой Гулноры Каримовой”, – говорит автор расследования “Миллиардный бизнес TeliaSonera с диктатурой”.

Қари тўтиқуш Сергей Ежков буни рад қилиш учун гўё Швейцария прокуратурасининг тергов материалларини далил сифатида келтиришга уринади. У бу материалларни “конфиденциальный канал”лардан (яширин йўлдан) олганини таъкидлайди.

Бу яширин йўл қари тўтиқушнинг қулоғига қандай очилгани ҳақида эса миқ этмайди...

Агар сиз бу қари тўтиқушга Франция ва Швеция маҳкамаси Ислон Каримовни диктатор, дея эълон қилган, бунга нима дейсан, дея сўрасангиз, бу саволга жавоб бера олмайди. Чунки унга бундай гапни такрорлаши хўжайинлари ўргатишмаган. У бундай гапни такрорлаши учун сиз уни хўжайинидан арзимас пулга сотиб олишингиз, кейин қариллик туфайли қарлик даражасига келиб қолган қулоғига, “қулоғингга сенинг...”, дея, дея бундай гапни ўргатишингиз керак. Шунда у “Каримов дик...та...тор”, “Каримов дик...та...тор”, дея сайрай бошлаши мумкин.

Диктатор Каримовнинг чорак асрдир ўзбек халқини ўзига қул қилиб келаяётганини, 2005 йилда Андижонда халқни қатлиом қилганини, унинг ақлсиз кизи Гулнора эса ўзбеклар дунёда энг кўп нафрат қиладиган хотин эканлигини бу қари тўтиқушга ўргатиш учун неча йил кетишини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг...

Биз Сергей Ежков деган бу қари тўтиқушга ачинмаймиз, чунки у қари ва сассик бир тўтиқуш холос...

Абдуррахмон Мухаммад
24 сентябрь 2012 йил



Андижонлик муаллим

Кўпдан бери Тошкентга йўлим тушмаганди. Катта идораларга шикоят ташлаш важидан пойтахт ҳавосидан нафас олиш насиб этди. Узи бир кучоқ ариза билан келгандим. Ка-атта паннога илинган “риклom”ни кўриб қўлим беихтиёр яна бир шикоятга югураёзди. Гапни кўп чўзмай, муддаога ўта қолай. Шу десангиз, “Артел” деган ширкат Тошкентнинг энг гавжум жойларини реклама билан тўлдириб ташлабди. Бирида жоннинг ҳузури совутгич, яна бирида анча-мунча тандир-ўчоқни чангида қолдирадиган газ плитаси кўз-кўз қилинган. Ҳаммасидан ҳам, шу газ плитаси рекламаси таъбни хира қилди... Сериалу филмларни бўшатмаётган актриса қизимиз

“АРТЕЛ”НИ СУДГА БЕРАМАН!..

Дилноза Кубаева, кейин, ҳадеб ирғишлаб, саҳнани чангитадиган йигит бор-ку, “Божалар” группаси аъзоси – икковлоннинг расми туширилган панно.

Катталиги қўшнимиз Қодирбойнинг дарвозасичалик келади. Унга шапалоқдек қилиб “Энди сизга ўтин керак бўлмайди!” деб ёзиб қўйибди.

Шу гапи билан “Артел” давлатимизни сиёсатига қарши чиқаётганига нега ҳеч ким саросоп солмаяпти – ҳайронман.

“Ўтин керак бўлмайди” дегани нимаси?! Мана, Андижонимизда шахсан ҳокимбуваннинг ўзи қишга ўтин ғамлаб олишни қулоғимизга қуяётган бўлса! Одамлар молини, борини сотиб, жон ҳалпида ўтин йиғаётган бўлса!

Ўтин жониворнинг бир машинаси (аъробангизнинг катта-кичиклиги, бўйи-энига қараб-да) бир миллион сўмга қиқиб кетган (Қўшни Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам саржини фалон пул деб эшитаман). У эмас, бу эмас, аҳвол шундоқ давом этса, ўтин валютага айланиб кетадиёв.

Жияним Фарғонага тушган. Фигонидан дуд чиқиб арз қилади,

таппи қилишга тушиб кетдик деб. Ўтин фалон пул бўлганидан кейин бурнини жийирмасдан тезак ёқишга ҳам кўнади-да одамзот! (Айтганча, мавриди бўлмасаям, тилшуносларимизга бир сўровим бор эди, илтимос, шу таппи, тезак сўзларини “эскирган” деган тамға қўйиб, луғатнинг энг тубига тушириб юборишмаса, ҳали бу сўзлар бизга кў-ўп асқотади, шекилли).

“Артел”нинг рекламаси шижоат билан ўтин йиғаётган бизга ўхшаган омиларнинг ишчанлик кайфиятини сундиради. Ё нотўғри гапиряпманми? Янаям ёмони, одамларда “Ие, газ бўлиши мумкин экан-да!” деган хомхаёл уйғотиб қўйиш хавфийам бор.

Бу “риклom”ни вилоятларга қўйса, “ЧП”ларга сабаб бўлиши ан-ниқ!

Газнинг шаклу шамойилини, ҳидисини эсдан чиқарган одамлар “Нахотки, бу йил қишда газ ёқсак!” деб юрагини ушлаб қолиши, узр-у, бирор ҳомиладор келин ҳаяжондан бола ташлаб қўйиши... хуллас, шунга ўхшаган беҳосиятликлар юз бериши мумкин.

Яна нималардир ёзмоқчи эдим. Лекин гап кўп-у, кўмир оз-да. Сиёсий сергаклигим учун орден-медал бериш шарт эмас, фийсабилло ёздим.

Швеция Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши кураш бўлими TeliaSoneraга қарши қўйилаётган Ўзбекистон мобил алоқа бозорига кириш учун “откат” берганлик ва пул ювиш амалиётларига аралашганлик айблари юзасидан расмий тергов жараёни бошлади. Акцияларининг 37,4 фоизи Швеция ҳукуматига қарашли бўлган TeliaSoneraга нисбатан бундай жиддий айблов Швеция жамоатчилик телевидениесининг 19 сентябр кунги “Вазифа:Текшириш” деб номланган кўрсатувида илгари сурилган эди. Уч швед журналистининг олти ойлик махсус суриштируви хулосаси жамланган “TeliaSonera – ўзбек иши” деб номланган ҳужжатли филмда TeliaSonera 2007 йилда ўзбек

тушгани ортидан журналистлар, TeliaSonera Ўзбекистонда лицензия олиш учун тўлангани айтиладиган пуллар асида Гулнора Каримовага берилган “откат” ва бу откатни легаллаштириш учун пул ювиш операциялари амалга оширилган, деган хулосага келди.



катнинг бу мамлакатда бундан сўнг қолиш-қолмаслиги ўрганилаётганини ҳам баён қилган эди. Кузатувчилар, Швеция прокуратураси бошлаган жиноий иш босими остида TeliaSoneraнинг Ўзбекистондан чиқиб кетиш эҳтимоли кучайганини тахмин қилмоқдалар. Швеция прокуратураси Ўзбекистондаги коррупция ва пул ювиш операциялари юзасидан жиноий иш бошлаган биринчи хориж давлати эмас. Бундан олдин Швейцария Бош прокуратураси тўрт Ўзбекистон фуқаросига нисбатан жиноий иш очди ва уларнинг швейцар банкларидаги юзлаб миллион доллар пулини музлатиб қўйди. Швейцария прокуратурасининг Ўзбекистон

ШВЕЦИЯ ПРОКУРАТУРАСИ TELIASONERANING “ЎЗБЕК ИШИ” ЮЗАСИДАН ЖИНОЙИ ИШ ОЧДИ

мобил алоқа бозорига кириб, UCell корхонасини очиш учун Гулнора Каримовага 337 миллион АҚШ доллари миқдорда “откат” берганликда айбланган эди. TeliaSoneraнинг Гибралтарда рўйхатдан ўтган Takilant Ltd. деб номланган қоғозда бор, аммо амалда йўқ ширкатга 2 миллиард 200 миллион швед кронаси (320-337 миллион АҚШ доллари) миқдорда пул ўтказгани кетига тушган швед журналистлари бу ширкат раҳбари деб қайд этилган шахснинг Гулнора Каримованинг яқин гумаши Гаяне Авакян эканини аниқлашди. TeliaSonera ширкатининг Авакянни кўрмай туриб, унга частота ва 3G лицензияси учун юзлаб миллион пул берганини ўта шубҳали деб топган швед журналистлари 2007 йилда 22 ёшда бўлган Авакяннинг қандай қилиб шунча катта бизнес ва ваколат эгасига айланганини махсус тадқиқ қилди. Takilant ҳисобига ўтказилган пулларнинг Гулнора Каримованинг жазмани экани айтиладиган Рустам Мадумаров номига Лондонда очилган ширкатлар ҳисобига келиб

20 сентябр куни Стокхольмда ўтказилган матбуот анжуманида TeliaSonera президенти Ларс Нюберг бу айбларни инкор қилган ва ўз ширкати Ўзбекистонда 3G мобил алоқа хизмати кўрсатишга рухсат берувчи ҳукумат лицензиясини олиш учун ҳеч кимга пора бермагани ва ҳеч қандай пул ювиш операцияларида қатнашганини таъкидлаган эди. Швеция прокуратурасининг журналистлар илгари сурган айблов асосида жиноий иш очгани ҳақидаги янгиликка муносабат билдирган TeliaSonera раҳбарияти бу ишни маъқуллаши ва тергов билан ҳамкорликка тайёрлигини билдирди. Айни пайтда ҳали жиноий иш очилмай туриб Ларс Нюберг, агар “Ўзбек иши” юзасидан қўйилаётган айбларда жон бўлса, ўзининг истеъфога чиқажагини билдирган эди. Шунингдек, дунёда коррупциядан энг холи деб қўриладиган Швеция ширкатининг дунёдаги энг коррупциялашган Ўзбекистонда бизнес юртиб келаётганига нисбатан мавжуд эътирозлар турткисида Нюберг, шир-

фуқаролари амалга ошириб келган пул ювиш операцияларини тафтиш қилиш жараёнига ҳозирда дунёнинг бир қатор давлатлари ҳуқуқ тизимларининг ҳам тортилгани айтилмоқда. Швеция ва Швейцария терговчиларини қизиқтираётган асосий савол, Ўзбекистондаги ҳукумат расмийлари, хусусан президентнинг тўнғич кизи Гулнора Каримованинг бу “откат” олиш ва пул ювиш операцияларидаги ролини аниқлаш бўлиб қолмоқда. Бир неча ойдан бери Тошкентдан ташқари чиқмай қолган Каримова хоним Швейцария терговчиларининг, балки эндиликда Швеция прокурорларининг ўнлаб саволларига жавоб бериши лозим бўлади. Айни пайтда, Россия Тергов кўмитаси ҳам Ўзбекистонда МТС шўъба корхонаси “Ўздунробита” фаолиятининг ноқонуний равишда тўхташилгани юзасидан жиноий иш очди. Норасмий манбаларга кўра, Россия терговчиларини ҳам МТСнинг синдирилишида Гулнора Каримованинг роли қизиқтирмоқда.

ozodlik.org

МАРДИКОРЛАРНИ ЁҚЛАГАН ҲУҚУҚБОНЛАРГА ЙИРИК МИҚДОРДА ЖАРИМА БЕЛГИЛАНДИ

23 сентябр куни Тошкентда мардикорлар ҳимоясига отланган инсон ҳақлари фаоллари Фахриддин Тиллаев, Нуриддин Жуманиёзов ҳамда Абдулла Тожибой ўғли устидан маҳкама бўлиб ўтган. Улар Ўзбекистон Маъмурий кодексининг 202 моддаси бўйича айбдор деб топилган. Ҳар бир ҳуқуқ фаоли энг кам иш ҳақининг 100 барабар миқдорда, яъни 7 миллион 235 минг 500 сўмга жаримага тортилганлар. 22 сентябр куни Қўйлиқ бозорида “Мардикорлар мустақил касаба уюшмаси”ни тузиш учун мардикорларга анкета тарқатаётган икки ҳуқуқ фаоли милиция томонидан ушланади.

Инсон ҳақлари фаоллари мардикорларни йиғиб, уларга ўз ҳақлари борасида тушунтириш ишлари олиб бораётган бўлишган. Мардикорлар Ўзбекистондаги энг ҳуқуқсиз табақа ҳисобланиб, ёлланма ишчиларнинг ҳуқуқлари доимий равишда бузилиб келиши маълум. Улар ўзларини ушлашганини ҳуқуқбон Абдулла Тожибой ўғлига телефонда хабар беришга улгурганлар. Ҳамкасбларининг ҳимоясига етиб келган Абдулла Тожибой ўғли ҳам Ҳамза туман ИИБга олиб кетилади. Учала ҳуқуқбон сўроқ қилинган, Абдулла Тожибой ўғлига рухсат берилади. Кеча биз билан суҳбатлашган бошқа ҳуқуқ фаоли Шуҳрат Рустамовнинг айтишича, 23 сентябрда Абдулла

Тожибой ўғли ҳам ИИБга чақириб, қайтадан сўроқ қилинган. “Бироқ Ўзбекистон Конституциясининг 34 – моддасига биноан ҳар бир фуқаро касаба ушмасига аъзо бўлиши мумкин. Бу қонунда кўрсатилган ва биз қонунга хилоф иш қилмаганмиз. Абдулла аканинг менга айтишларича, уларга “Маъмурий жавобгарлик кодекси”нинг 201-моддаси бўйича маълумот тўплашяпти, маҳкамага оширишса керак, деб ҳозир кириб кетдилар”,-деган эди фаол Шуҳрат Рустамов. Абдулла Тожибоев ўғли ва бошқа бир қанча фаолларга илгари ҳам бир неча марта маъмурий жазолар берилган. Ҳуқуқ фаоллари таъкидлашчи, улар қонун доирасида, Конституциянинг 34-моддасига асосан фаолият олиб боришган.

bbc.co.uk/uzbek

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

2012 йил 1 январдан бошлаб Ўзбек ҳукумати “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий тартибни бузувчи террористик амалиётлар, оммавий тартибсизликлар ва бошқа акцияларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ҳақида” деб номланган №ХҚҚ-39/2012 рақамли қарорни амалга оширишга киришди. Бу қарор Ўзбекистон Хавфсизлик Кенгаши тарафидан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов тарафидан 2011 йил 10 ноябрда тасдиқланган. Ушбу ҳужжатга кўра, Республиканинг куч ишлатар тизимларига (МХХ, ИИБ, МВ ва ФВВ) 2012 йил 1 январдан 2016 йил 1 январга қадар оммавий тартибсизликлар ва норозилик митингларини бостириш бўйича мунтазам ўқув-машғулотлар ўтказиш топширилган. Ўзбек кучишлатар тизимлари учун тўрт йиллик тренинг дастури бўлмиш бу “Чора-тадбирлар мажмуаси” нима-лардан иборат? Шундай қилиб...

Ўзбек кучишлатар тизимлари учун тўрт йиллик тренинг дастури

Гарчи Ўзбек Хавфсизлик Кенгаши қарори “террористик амалиётларнинг олдини олиш” каби баландпарвоз номланган бўлса-да, бу ҳужжат асосан халқ исёнлари ва оммавий тартибсизликларни бостиришни кўзда тутди. Мана ушбу қарорнинг (“Ўзбекистон Республикасида ижтимоий тартибни бузувчи террористик амалиётлар, оммавий тартибсизликлар ва бошқа акцияларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ҳақида” қарорининг) 3.17 иловасида нима дейилган:

“Ўқув-тренировка ва амалий машғулотлар давомида ФВВ (Фавкулотда вазиятлар вазирлиги) кучлари ярадор ва жабрланганларни ИИБ кучлари жойлашган бўлгаларга етказувчи тезкор гуруҳлар вазифасини бажаради” дейилган. Яъни халқ қўзғолонлари ва оммавий тартибсизликлар юзага келиши билан ФВВ кучлари Каримов қўшинларидан зарар кўрган кишиларни милициячиларга (дарҳол уларнинг шахсини аниқлаши учун) етказиб беради. Агар Каримов ҳукумати ҳақиқатан ҳам “ярадор ва жабрланган” кишилар ҳақида ғамхўрлик қилганида, ФВВ кучларига ярадорларни тиббиёт ходимлари жойлашган ўринларга, энг яқин касалхона ва поликлиникаларга етказишни топширган бўларди.

ИИБ кучларига эса берилган топиширик мана бундай: “3.6. Ўқув-тренировка ва амалий машғулотлар пайтида ИИБ қуролли бўлинмаларига қуйидагича ҳаракат қилади: а) террористик чиқишлар ва оммавий тартибсизликлар юзага келган ҳудудларни зудлик билан қуршаб



олувчи гуруҳлар сифатида; б) ўқотар ва совуқ қуроллар ҳамда бошқа предметлар билан қуролланган оммани дарҳол бартараф этувчи гуруҳ сифатида; в) террористик чиқишлар ҳамда оммавий тартибсизликлар иштирокчиларининг (шу жумладан ярадор иштирокчиларнинг ҳам) шахсини дарҳол аниқловчи гуруҳлар сифатида; г) бартараф қилинган шахслардан ўқотар ва совуқ қуроллари ҳамда бошқа предметларни тортиб олувчи гуруҳ сифатида”. Шу моддадан келиб чиқиб, халқ исёнлари бошланганида, Баходир Маглюбов кучлари қандай тартибда ишлаши ойдинлашади: аввалига ҳудудни ўраб олади, сўнг қўзғолган оммани бартараф этади, сўнг уларнинг шахсини аниқлайди, охири эса, ўлдирилган исёнчилардаги қурол ва умуман ҳамма нарсасини тортиб олади. Юқорида айтилган иловада МХХ вакилларига жуда қизиқ вазифалар юклатилади. 3.20 моддада қуйидагича ёзилган: “Ўқув-тренировка ва амалий машғулотлар давомида МХХ кучлари қуйидагича ҳаракат қилади: а) оммавий тартибсизликларда яраланган ва қўлга олинган иштирокчиларни сўроқ қилувчи тезкор гуруҳ сифатида; б) оммавий тартибсизликлар иштирокчиларидан ИИБ қуролли бўлинмалари тарафидан тортиб олинган фото, видео ва аудио ускуналар, жумладан, мобил телефонларни инвентаризация қилувчи гуруҳ сифатида”. Яъни халқ қўзғолонлари ва оммавий ғалаёнлар бошланганда, “контора” (Ўзбек чекистлари ўз ташкилотини – МХХни шундай атайди) кучлари, асосан, керакли маълумотни қўлга киритиш ҳамда тартибсизликлар ҳақидаги хабарнинг халқ оммасига ва хорижий ОАВга чиқишининг олдини олиш йўналишида ишлайди. Мудофаа Вазирлиги-чи? Унга қандай вазифа юклатилади? “Чора-тадбирлар мажмуаси”га биноан, МВ кучларига фақат “тартибсизликлар содир этилган ҳудудни дарҳол тозалаш” вазифаси юклатилган. Яъни халқ қўзғолонлари бошланганда, Ўзбек ҳарбийлари ҳудудни ўлик ва қондан тозалайдиган бўлади. Бу ҳам тушунарли: Ўзбекистонда армиянинг ўзи йўқ ҳисоб, МВдаги аскарлар асосан, қишлоқ хўжалигида ишлатилади.

Юқорида айтилганидек, Ўзбек кучишлатар тизимлари мазкур “Чора-тадбирлар мажмуаси”ни жорий йилнинг бошидан амалга ошира бошлаганлар. 2012 йилнинг 1 январидан 1 сентябрга қадар мамлакат кучишлатар тизимлари Тошкент шаҳрида, Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ўқув-тренировка ва амалий машғулотлар ўтказган. Шундай қилиб...

Халқ исёнларини бостириш репетициялари

Исёнларни бостириш репетициялари қурбонларсиз бўлмайди. Масалан, Тошкентда ИИБ таркибидан жами 17 киши ҳалок бўлди. Жумладан, 2012 йил 20 июнда собиқ “Ташсельмаш” заводи ҳудудида оммавий тартибсизликлар ўқув-машғулоти ўтказилган бўлиб, унда ИИБ ходимларидан беш киши ҳалок бўлган. Мазкур машғулот ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтамиз. Ўша куни “Ташсельмаш” ҳудудига ИИБ раҳбариятининг талабига кўра, ҳарбийларнинг асосий қисми “гражданский” кийимда келтирилади. Машғулотни ўтказиш бўйича штаб “гражданский”ларни келтириб, чағиртош ва ғишт синиқлари устига ўтказди, ва шу ерда буйруқни кутишни амр этади. Оддий кийимдаги ҳарбийлар жазирама куёшда эрталаб соат 8дан то 16гача буйруқни кутади. Штаб уларга ҳатто сув ичиш ё ҳолатга боришга ҳам рухсат бермайди. Роппа-роса 16да “гражданский”ларнинг асаби обдан бузилгач, ҳудудга имитациянинг иккинчи тарафи – дубинка ва қалқон билан қуролланган қўшинлар – кириб келади. Қўшинга ҳужум қилиш буйруғи янграши биланок, “гражданский”лар бор кучи билан рақиби тарафига қарата тош отганча, олға юра бошлайди. Бу “тўқнашув”да қўшинлар тарафидан уч киши, “гражданский”лар тарафидан икки киши ҳалок бўлади. Икала тарафдан яна кўп киши жароҳат олади. Эътиборга молик тарафи шундаки, оммавий тартибсизликларнинг оддий имитацияси ҳам Ўзбекистон Президенти Хавфсизлик Кенгашида ишлаб чиқилган мазкур “Чора-тадбирлар мажмуаси”га қатъиян риоя қилинган ҳолда амалга оширилган эди. Масалан, ушбу “оммавий тартибсизликлар”дан сўнг ФВВдан бир гуруҳ, ярадорларни “ИИБ кучлари жойлашган бўлга”га етказиб турган, МХХ гуруҳи “иштирокчилар”ни сўроқ қилиш ва уяли телефонларини тортиб олиш билан шуғулланган, МВ гуруҳи бўлса ҳудудни бешта жасад (ҳақиқий ўликлар), қон ва тошлардан тозалаш билан машғул бўлган.

(Давоми кейинги бетда)

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Бундай имитацияларда кучишлар тизимларнинг ходимлари халок бўлавергач (асосан ИИВ қуроли бўлинмалари), ИИВ ва МХХ раҳбарлари Б.Матлюбов ва Р.Иноятов Хавфсизлик Кенгашига таклиф билан чиқиб, “машғулотларнинг баъзи қисмини реал мисолларда, ҳақиқий оммавий тартибсизликларга максимал тарзда яқин шароитларда” ўтказишни сўрайдилар. Хавфсизлик Кенгаши, И.Каримовнинг рўхсати билан бундай машғулотларни бозорлар, вокзаллар ва бошқа халқ гавжум ерларда ўтказишга изн беради. “Ҳақиқий оммавий тартибсизликларга максимал яқин шароитлар”даги машғулотлар Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона, Қарши, Термиз ва Урганч бозорларида ўтказилди. Бу машғулотларда “спецназ” ва ИИВ ҳарбийлари “Чора-тадбирлар мажмуаси” берган ваколатлар доирасида кўп миқдорда “баргараф этилган шахслардаги нарсаларни – хусусий тадбиркорларнинг эркин савдога чиқарилган товарларини – тортиб олди”. Энг катта шов-шув бўлган машғулот, бу – 2012 йил 16 августда Зангиота туманидаги “Бек-Барака” бозорида ўтказилган машғулот бўлган. Ушбу имитация пайтида ИИВ ҳарбийлари жуда катта миқдорда халқ истеъмоли молларини қўлга киритган. “Нега энди Каримов халқ исёнлари ва оммавий тартибсизликларни репетиция қилади?” деган саволга ҳожат ҳам йўқ. Чунки, Ўзбекистон халқи Каримов режимдан норози эканини Каримовнинг ўзи жудаям яхши билади. Бундан ташқари, Каримов ва югурдаклари Миср, Ливия, Тунис ва бошқа араб давлатларидаги воқеалардан, халқ қўзғолонлари кўп йиллик диктатураларни ағдаришидан “хулоса чиқариб”, Ўзбекистонда сиёсий тузумни демократлаштириш ва иктисодни либераллаштириш ўрнига, аксинча, ҳарбийларни халқ қўзғолонларини бостиришга ўргатишни танлаган. Зоҳиран, диктаторнинг бу қарорлари гўё ундаги паранойа сабабли туюлиши мумкин. Аммо аслида, келажак қўзғолонларга тайёргарликни кучайтириш сабаблари биргина Каримовнинг фобиялари билан боғлиқ эмас. Шундай қилиб...

Хилари Клинтон ташрифи ва маслаҳатлари

Маълумки, 2011 йил 22-23 октябрь кунлари (Хавфсизлик Кенгаши тарафидан №ХКҚ-39/2012 рақамли “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий тартибни бузувчи террористик амалиётлар, оммавий тартибсизликлар ва бошқа акцияларни олдини

олиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ҳақида” номли қарорнинг қабул қилинишидан 17 кун олдин) АҚШ Давлат Котибаси Хилари Клинтон Тошкентга ташриф буюрди. Ташриф мобайнида америкалик ҳарбий юкларнинг Афғонистондан чиқарилиши, ўзбек ҳукумати халқаро майдонда химоялаш, ҳамда Ўзбекистонда хавфсизлик ва сиёсий барқарорликни таъминлаш борасида бир қатор келишувларга эришилди.

Ислоҳ Каримов ва Хилари Клинтон музокаралари натижасидаги келишувлар куйидагича:

1) АҚШнинг ҳарбий юклари ва аскарларини Афғонистондан олиб чиқиши учун Ўзбекистон ўз ҳудудини ҳақ эвазига тақдим этади; 2) Зарурат туғилганида, Ўзбекистон АҚШ ҳарбий юкларининг хавфсиз транзитини таъминлаш учун АҚШ Қуроли Кучларининг ҳарбий юклари, техникаси ва аскарларига “Хонобод” (Қашқадарё вилояти) ҳарбий базасини ҳақ эвазига тақдим этади;

3) Америка ҳарбий юклари ва аскарларини Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқишдаги ҳақ эвазига бериладиган ёрдами, ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг “Хонобод” базасини АҚШ ҳарбийлари ихтиёрига тақдим этиши эвазига, АҚШ ҳукумати ўзбек ҳукуматини халқаро майдонда, жумладан, инсон ҳуқуқлари масаласида дастаклайди. Ушбу модда бўйича АҚШ тарафи ўзбек ҳукумати учун оғриқли бўлган муаммони – 2005 йил Андижонда тинч намоёнчи-ларнинг ўққа тутилиши муаммосини бундан буён кўтармасликка розилик билдирди. 4) Ўзбек ҳукуматининг кўрсатадигани ёрдам учун Хилари Клинтон Ислоҳ Каримовга куйидагиларни ваъда қилди: а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “рангли” дейилган инкилобларни келтириб чиқармасликни; б) Ўзбекистонда хавфсизлик ва сиёсий барқарорликни таъминлаш бўйича молиявий, ҳарбий ва консултацион ёрдам беришни. Октябрь музокаралари домида АҚШ ҳарбий делегацияси Тошкентга “ потенциал террористик хужумлар ва оммавий тартибсизликларга қарши ўзбек кучишлар тизимларини мунтазам тайёргарлигини ташкил этиш ва йўлга қўйиш”ни маслаҳат берди. Бошқача қилиб айтганда, америкаликлар Каримовни, Ўзбекистоннинг ҳам ичкарасидаги, ҳам ташқарисидаги халқ оммаси ёки мухолиф гуруҳлар тарафидан уюштирилиши эҳтимол бўлган тартибсизликларга қарши тайёргарлик кўришга чақирган. Айнан мазкур музокаралардан кейин Ислоҳ Каримов шошилиш тарзда йиғилиш ўтказиб, Хавфсизлик Кенгашига оммавий тартибсизликларни бостириш бўйича махсус

дастур ишлаб чиқиш топширигини беради. Бундай дастур ва қарорни ишлаб чиқишга деярли ярим ой керак бўлди. Юқорида айтилганидек, №ХКҚ-39/2012 рақамли “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий тартибни бузувчи террористик амалиётлар, оммавий тартибсизликлар ва бошқа акцияларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ҳақида”ги қарор, ниҳоят 2011 йил 10 ноябрда қабул қилинди. Мана, юқорида айтганимиз 2012 йил 1 январидан 2016 йил 1 январигача амалга оширилиши мўлжалланган “Чора-тадбирлар мажмуаси” келиб чиқиши. Нега айнан 2016 йил 1 январигача? деган савол туғилади. Бу саволга жавоб беришга уриниб кўрамиз. Шундай қилиб...

Президентлик ҳокимиятини Гулнора Каримовага топшириш бўйича “Чора-тадбирлар мажмуаси”

Ушбу ҳужжатни тайёрлашда, Ўзбекистон Хавфсизлик Кенгаши мутахассислари Ўзбекистонда сиёсий иқтидорни Ислоҳ Каримовнинг тўнғич кизи Гулнорага ўтказиш сценарийсини назарда тутганлар. Айнан мана шунинг учун ўтга муҳим бўлган бу дастурнинг муддати 2012 йил 1 январдан 2016 йил 1 январгача деб белгиланган. Ўзбек халқи нафақат диктатордан, балки унинг қизларидан ҳам, айниқса Гулнорадан нафратланишини ўзбек ҳукумати жуда яхши тушунади. Шунинг учун каримовчилар америкаликлар кўрсатмаси билан Ўзбекистонда ўтказиладиган “президентлик сайловлари”дан олдин ва кейин халқ исёнларининг авж олишидан қўрқадилар. Ҳам ўзбек, ҳам америкаликлар тарафи ҳозирданок бу сайловларнинг бошдан-оёқ сохта бўлишини, унинг натижаси ўлароқ фақат ҳокимиятнинг Гулнора Каримовага топширилишини расмийлаштириш бўлишини кўрмоқдалар. Шу билан бирга, иккала тараф ҳам ўзбек мухолиф гуруҳларининг Ўзбекистондаги президентлик эстафетасига қаршилиқ қилиши эҳтимолини рад этмайдилар. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Президентлик тахтини Гулнора Каримовага ўтказиш бўйича Хавфсизлик Кенгаши ва Стратегик ва Президент қошидаги Минтақаларо тадқиқотлар Институтининг алоҳида дастури ишлаб чиқилган. Гарчи бу дастурнинг номи “Ўзбекистон Республикасида президентлик сайловлари давомида сиёсий барқарорликни таъминлаш дастури” каби беозор аталса-да, аслида бу ҳужжат фақат ҳокимиятнинг отадан қизига силлиққина ўтказилишини назарда тутди холос. Шундай қилиб...

(Давоми келгуси сонда)

(Давоми: Боши олдинги сонларда)

Баҳром Мўминоҳунов:
Мен ҳеч қачон сиёсат била шуғулланмаганман ва Муҳаммад Солиҳ билан ҳеч қачон таниш бўлмаганман. Мен халқ ичида қатта обрўга эга бўлган “ЭРК” Партияси борлигини билардим. Мен жуда яхши тушунаман... Менинг у ёқда қариндошларим қолган, у ерда менинг яқинларим бор. Мен жуда яхши тушунаман, уларга нималар қилишлари мумкин, аммо ортик қўрқув билан яшашдан чарчадик... тушунасизми, оддий қилиб айтганда, кўрқиб яшашдан чарчадик. Мен ҳеч қачон “ЭРК” Партиясига аъзо бўлмаганман, мен ҳеч қачон сиёсатга аралашмаганман, мен нормал ишлаганман, менинг ўзимнинг тижоратим бор эди, нормал алоқаларим бор эди, хотиним рус...

Тенгиз Гудава:

Бу - менинг ва ўзбек демократик муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳга қарши суиқасд тайёрланаётгани ҳақда асосий гувоҳ сифатида чиқаётган Ўзбекистон фуқароси Баҳром Мўминоҳунов билан телефон орқали ўтказган суҳбатимиз эди. Муҳаммад Солиҳ - ўзбек ёзувчиси, шоир, муҳолифатдаги “ЭРК” Партияси лидери. 1991 йилги президентлик сайловларида президент Каримовнинг асосий рақиби бўлган. 90-йиллар ўрталаридан бери сиёсий муҳожирикда яшайпти. 2000 йилнинг ноябр ойида Ўзбекистон Олий суди уни 1999 йил 16 февралда Тошкентда юз берган портлашларда айблаб, умрбод қамқоқ жазосига ҳукм қилди. Ҳукм сиртдан чиқарилди. Муҳаммад Солиҳнинг ўзи унга қўйилаётган айбномаларни бемаъни, деб ҳисоблайди. Баҳром Мўминоҳуновнинг очик Билдиришидан: “2000 йилнинг сентябр ойида чечен гуруҳига бу акцияни “тайёрлаш” учун 135 минг долларлик аванс пули нақд берилди. Қотиллик учун тўла ҳисоб-китоб эса, Муҳаммад Солиҳ йўқ этилганидан сўнг берилиши лозим эди. Пул мавзуси менинг Маҳмуд Ҳайитов билан телефон орқали ўтказган суҳбатларимда (ёздириб олинган) асосий мавзудир, чунки фақат шу мавзу менинг суҳбатдошларимнинг ахлоқий моҳиятини очиб бера олиши мумкин эди. Чунки берилиши лозим бўлган 2 миллион доллардан 1 миллионини полковник Ботир Турсунов ва Ўзбекистон Интерполи директори Маҳмуд Ҳайитов бўлиб олишлар керак эди. Ўзбек ҳукумати ишонши учун биз Муҳаммад Солиҳдан бир неча ҳафта беркиниб туришини илтимос қилдик. Бу жуда ишонарли чиқди. Қотиллик буюртмачилари ишонгандай бўлишди, аммо чеченларга 1 миллион доллардан қолган (870 минг долларни) қисмини Ботир

Турсунов ва Маҳмуд Ҳайитовлар муҳолифат лидери жасадининг расмий тан олинишини, “ЭРК” Партиясининг радио орқали “Муҳаммад Солиҳнинг жасади фалон жойдан топилди”, деган шаклда эълон қилишини талаб қилдилар. Бу гапларнинг ҳаммаси аудиокассетага ёздириб олинган. (Баҳром Мўминоҳуновнинг Билдиришидан олинган иктибос тугади). Баҳром Мўминоҳунов қотиллик буюртмачиларидан бири бўлган Ўзбекистон Интерполи директори Маҳмуд Ҳайитов билан телефон орқали қилган музокараларини ёзиб олган. Мана, шу йилнинг 8 май куни ўтказилган ўша телефон суҳбати. Бу ерда музокара буюртмачиларга қандай қилиб, “буюртма”нинг бажарилганини маълум қилиш ва қурбон ўлдирилгани ҳақда хабар бериш тўғрисида кетади. Баҳром Мўминоҳунов буюртмачилардан бирининг қилишини талаб қилади, Интерпол директори Ҳайитов эса, расмий эълон қилиниши ва Муҳаммад Солиҳнинг ўлдирилгани ҳақда эксперт хулосасининг ўзи етарли эканини айтади. Қурбон - Муҳаммад Солиҳ суҳбатда “ҳужжат” номи билан аталади.

Аёл овози: Алло...

Баҳром Мўминоҳунов: Салому алайкум.

Аёл овози: Салому алайкум.

Баҳром Мўминоҳунов: Маҳмуд акани мумкинми телефонга?

Аёл овози: Ҳа, ҳа, ҳозир.

Баҳром Мўминоҳунов: Але, Маҳмуд ака?

Маҳмуд Ҳайитов: Ҳа, ҳа, эшитаман.

Баҳром Мўминоҳунов: Салом алейкум.

Маҳмуд Ҳайитов: Баҳром, демак, масала шундай қўйилаяпти...

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа...

Маҳмуд Ҳайитов: Расмий органларнинг ҳужжатнинг кимга қарашли эканини аниқлашларининг ўзи етарли.

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа... Аммо расмий орган деганда нима назарда тутилаяпти?

Маҳмуд Ҳайитов: Хўш, мана бу, масалан, ким кетади ўша жойга...

Баҳром Мўминоҳунов: Йўқ, майли...

Ҳа, ҳа, аммо бу ҳақда улар кимга хабар беришлари керак, сизларгами?

Маҳмуд Ҳайитов: Уйлайманки, шунинг ўзи етарли... биз билиб оламиз... Алло.

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа. Агар сиз бу ҳақда хабар топмасангизчи?

Маҳмуд Ҳайитов: Қанақасига «ҳабар топмаймиз»? Бу бизга ўша заҳотиёқ маълум бўлади. Мана, қара, ҳозир ҳужжат эгалари ҳужжатнинг йўқолгани ҳақида гапирмоқдалар. Баҳром Мўминоҳунов: Улар йўқолди, деётганлари йўқ, улар «у аллақачон йўқ», дейишмоқда... Шундан гап

кетса, Маҳмуд ака, мен нима қилай, қандай ҳаракат қилай?

Маҳмуд Ҳайитов: Қулоқ сол, бизда бу ерда ҳужжат йўқолса, ким у ерга кетади, буни биласан, тўғрими?

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа, албатта.

Маҳмуд Ҳайитов: Мана, мана шунинг ўзи етарли, ҳужжатни топса, кимга қарашли эканини аниқлайдилар.

Баҳром Мўминоҳунов: Йўқ, бу ҳужжатнинг бизга етиб келишига ким гарантия беради? Бу ҳужжатнинг борлигини қандай биласиз?

Маҳмуд Ҳайитов: Бу ҳақда эртасигаёқ айтишади анови нимадан...

Баҳром Мўминоҳунов: Маҳмуд ака, сиз ҳар ҳолда, мени эшитинг, мен билмайман, умуман, вазият шундай: улар ҳозир менга шундай дейишмаяпти: ҳеч нарсанинг кераги йўқ, пул ҳам керак эмас, ҳеч нарса керак эмас, сиз дуруст одам эмассизлар. Биз ишимизни 150 фоизга бажардик. Менга айтишмаяптики, улар истамайдимиз - демак, кераги йўқ... Қани гарантия, масалан, биров Дудаев ёки бошқа бириси тирик деб айтмаслигига? Кимдир яна уни кўрган, кимдир у билан гаплашган, деган гаплар яна қўпаяди, яна ҳаммаси чўзилади...

Маҳмуд Ҳайитов: Але...

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа, эшитаяман...

Маҳмуд Ҳайитов: Мен ҳужжат ҳақида гапирганда одам ҳақда гапираямман, тушунаясанми?

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа, мен тушунаман, албатта.

Маҳмуд Ҳайитов: Мен сизларга биронта ҳужжат келсин, деётганим йўқ. Жойга масъул органлар ўша жойга боришади ва топишади, тўғрими? Баҳром Мўминоҳунов: Шундай...

Маҳмуд Ҳайитов: Масъул органлар шахсини аниқлашади, бу... бизда милиция, у ёқда полиция, тўғрими? Баҳром Мўминоҳунов: Шундай.

Маҳмуд Ҳайитов: Кўздан кечиришади, сен фақат унинг топилганини айт ва мен ўзим биламан қандай хабар олишни, сен фақат телефон қил-да айт: «Тамом, ҳужжатни топишди».

Мен ўзим биламан буни қандай текширишни. Баҳром Мўминоҳунов: Биров келсин, Маҳмуд ака, улар бу нарсага ишонишмаяпти. Мен уларни ишонтиролмаямман. Улар «бу ишни қиламиз» дейишмаяпти, аммо бунга ишонишмаяпти.

Маҳмуд Ҳайитов: Нега ишонишмайди? Баҳром Мўминоҳунов: Ишонишмаяпти, улар айтишмаяптики: улар келишмайди, ҳужжатни кўришмайди, эртага яна биров қаердадир нимадир дейди, яна ҳаммаси бузилади, асабларимиз бузамиз.

Маҳмуд Ҳайитов: Нега ишонишмайди? Баҳром Мўминоҳунов: Ишонишмаяпти, улар айтишмаяптики: улар келишмайди, ҳужжатни кўришмайди, эртага яна биров қаердадир нимадир дейди, яна ҳаммаси бузилади, асабларимиз бузамиз.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Биров келсин, Дилшод келсин, бировга айтинг...

Махмуд Ҳайитов: Мен сенга яна тушунтираман, ҳеч ким у ёққа бормайди. Хужжатни топганда, шахсини аниқлашади, тушунаёсанми ёки йўқми?

Баҳром Мўминохунов: Тўғри, ҳа... Махмуд Ҳайитов: Бўлди, воқеа бўлган жойга кетиб, ҳаммаси расмийлаштирилади, тўғрими? Ва расмий қариндошлари сўрашади - бизга қайтаринг, биз уни қоида бўйича қўйишимиз керак - тўғрими?... Але...

Баҳром Мўминохунов: Ҳа, ҳа. Махмуд Ҳайитов: Бу хужжат мангу қаердадир ётмайди-ку, тўғрими, уни эгаларига топширишади, эгалари уни сейфга қўйишлари учун.

Баҳром Мўминохунов: Ҳа. Махмуд Ҳайитов: Умуман, вазият... Баҳром Мўминохунов: Умуман, улар айтишяптики: «кераги йўқ, биз ўзимизнинг ҳаракатимизни қиламиз, сиздан ҳеч нарса керак эмас».

Махмуд Ҳайитов: Қулоқ сол, мен уларни тушунмаяпман, агар одамлар ишлаётган бўлса...

Баҳром Мўминохунов: Улар бу ишни қилишга тайёр... аммо бир гап бўлди, икки гап бўлди... шарт ўзгараяпти, улар қимдир келсин, деяпти. Рустамни жўнатиб ўтирманг, мен у билан расмга тушай, Дилшод расмга тушсин, эргага бу нараса яна 30 марта эълон қилнади, биз ўзимизнинг устимиздан ҳукм чиқараяпмиз, биз ўзимизнинг устимиздан ҳукм чиқараяпмиз...

Махмуд Ҳайитов: Қулоқ сол, мен бу ердагиларга шундай тушунтирсам: улар... менга қара, улар ишни қиламиз, деб бўйнига олишди, энди бу уларнинг проблемаси.

Баҳром Мўминохунов: Майли бўлмаса...

Махмуд Ҳайитов: Хўп. (Бу телефон суҳбати қисқартирилиб таржима қилинди, - таҳр.)

Тенгиз Гудава: Бу Баҳром Мўминохунов ва Муҳаммад Солихнинг ўлдирлиши буюртма қилганлардан бири Ўзбекистон Интерполи директори Махмуд Ҳайитов ўртасида бўлиб ўтган телефон суҳбати эди. Яна бир марта аниқлик киритаман: суҳбатдошлар назарда тутаётган «хужжат» - бу Муҳаммад Солих.

Мана, тайёрланган суиқасд ҳақда Муҳаммад Солихнинг ўз фикрлари: Муҳаммад Солих: Яъни, улар фақат шундай хабарнинг тарқалиши билан 2 миллионни беришмоқчи бўлишган, яъни, бир миллиони чеченларга, қолганини ўзлари бўлиб олоқчи бўлишган.

Тенгиз Гудава: Яъни, улар 1 миллион долларни ўзаро бўлиб олишмоқчи бўлишган? Ботир Турсунов ва Махмуд Ҳайитов?

Муҳаммад Солих: Ҳа. Тенгиз Гудава: Миллионни чеченларга бермоқчи бўлишган?

Муҳаммад Солих: Чеченларга, энди миллион эмас, чунки 135 минг доллар аллақачон тўланган бўлган... Тенгиз Гудава: Муҳаммад, шундай савол, демак, чеченлар - мана бу одамлар, яъни Алматов, Турсунов ва Ҳайитовлар уларга сизга қарши суиқасд уюштиришни таклиф қилганлари заҳоти бу ҳақда сизга хабар беришдимиз?

Муҳаммад Солих: Ҳа, бир ҳафтадан кейин телефон қилишди. Тенгиз Гудава: Бир ҳафтадан сўнг телефон қилиб, шундай гап борлигини хабар қилишдимиз?

Муҳаммад Солих: Ҳа, улар шундай хавф борлиги ҳақда огоҳлантиришди, улар айтишдики: «биз бунга қабул қилмадик, аммо бунга бошқаларга ҳам таклиф қилишлари мумкин, шунинг учун, илтимос, эҳтиёт бўлинг», дейишди. Шунда мен уларга: «Инкор этишнинг кераги йўқ, қабул этинг», дедим...

Тенгиз Гудава: Яъни, сиз бу ўйинни ўйнашни таклиф қилдингиз, шундайми?

Муҳаммад Солих: Мен бу ўйинни ўйнашни таклиф қилдим, чунки уларни фош этишнинг бошқа йўли йўқ эди. Тенгиз Гудава: Ва чеченлар бунга рози бўлишдимиз?

Муҳаммад Солих: Ҳа, чеченлар: «Биз гаплашамиз», дейишди. Улар Баҳром билан гаплашиб, «Ўйнаймиз», дейишди. Кейин Баҳром яна бир гуруҳ тайёрланаётгани ҳақда хабар берди - бу гуруҳ СНБ тарафидан тайёрланаётган бўлиб, Болтиқбўйидан снайперлар гуруҳи жўнатилиши керак бўлган, балки аллақачон ёллашгандир, деди менга Баҳром. Болтиқбўйи жумҳуриятлари билан бу давлатлар ўртасида виза режими йўқ, шунинг учун ҳам у ердан Скандинав ўлкаларига қотилларни олиб ўтиш осон.

Тенгиз Гудава: Хотима ўрнида Баҳром Мўминохуновнинг Билдиришидан яна бир парча келтирамиз: «Мен гувоҳлик бераманки, шу йилнинг 25 апрел куни Тошкент вақти билан соат 8 да Ички Ишлар вазири Зокир Алматов, терроризм билан кураш бўлими бошлиғи Ботир Турсунов, Ўзбекистон Интерполи директори Махмуд Ҳайитовлар Ўзбекистон Президенти резиденциясида Президент Ислом Каримов томонидан қабул қилиниб, ушбу буюртмани муҳокама қилишди.» (иктибос тугади)

Ўзбекистон демократик муҳолифати лидери Муҳаммад Солихга қарши суиқасд тайёрлангани ҳақда Норвегия Ташқи Ишлари хабардор. Бу мавзуда бир машхур телепрограмма

фильм ҳозирламоқда. (Эшиттириш матни қисқартирилган ҳолда таржима қилинди, - таҳр.)

«УНИНГ БОШИ 18 МИЛЛИОН КРОНГА БАҲОЛАНДИ...»

(Норвегияда чиқадиган «DAGBLADET» газети Муҳаммад Солихга қарши уюштирилган суиқасд ҳақида)

Норвегияда чиқадиган энг йирик газетлардан бири бўлган «Dagbladet» Муҳаммад Солихга қарши тайёрланган суиқасд ҳақда «Унинг боши 18 миллион кронга баҳоланди» сарлавҳаси остида икки саҳифалик материал чоп этди.

Муҳаммад Солих 1999 йилда «Dagbladet» газатасига берган интервьюсида, дейлади, мақолада, «Президент Ислом Каримов менинг изимдан ёлланган қотилларни юбориши мумкин», деб айтган эди.

Чиндан ҳам шундай бўлди. 1999 ноябр ойида Ўзбекистон Ички Ишлар вазири Зокир Алматов пахта экспортёри Баҳром Мўминохуновдан у танийдиган чечен тижоратчиларини ўзи билан учраштиришни сўради.

Б. Мўминохунов ўзининг ўрта чечен дўстини Алматовнинг олдига олиб келди. Бу ерда Алматовдан ташқари Ўзбекистон Интерполи директори Махмуд Ҳайитов ҳам бор эди. «Мен уларнинг чеченларга «сизлар Муҳаммад Солихнинг ўлдирасизларми?» деган гапларидан дахшатга тушдим», - дейди Баҳром Мўминохунов.

Мақола давомида чеченларнинг ва Баҳром Мўминохуновнинг Муҳаммад Солихга телефон қилиб, уни огоҳлантиргани, Муҳаммад Солих эса, ҳукумат томонидан тушган бу қотиллик режаларини фош қилиш учун бу таклифини қабул қилиш кераклигини чеченларга айтгани ва шундан сўнг жиддий ўйин бошлангани ҳақида гапирилади.

Суиқасд апрел ва май ўрталарида амалга оширилиши лозим бўлган, дейлади мақолада. Чунки, Муҳаммад Солих ўзининг Олмониядаги дўстлари билан учрашиш учун тез-тез Олмонияга бориб турарди.

Мақола давомида Интерпол директори М. Ҳайитов билан ўтказилган суҳбатларнинг ёзиб олинганлиги ва бу қотиллик режасининг қандай ошқор қилингани ҳақда сўз юритилади.

Ўзбекистон янги бир Афғонистонга айланиши мумкин, дейлади мақолада, вазият жуда таҳликали. Ҳукумат томонидан ўтказилган террорлар натижасида радикал исломий гуруҳлар пайдо бўлди, Ўзбекистондаги бекарорлик бутун минтақани ўз домига тортиши мумкин, чунки Ўзбекистон минтақада аҳолиси энг катта ва муҳим ўрин тутган бир ўлка, дейлади мақолада.

(Давоми келгуси сонда)

ОЧЛИК БИЛАН ДАВОЛАШ (РЎЗА)

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

10 кунлик очликдан кейинги

1-чи кун: Эрталаб тоза сикилган олма шарбати, грейфрут шарбати ёки лимон шарбати яримга ярим қилиб, сув қўшилган ҳолда, ичилади ва рўза очилади. Сикиладиган мевалар чиримаган, эзилмаган бўлиши лозим. Кечкурун гача, тахминан, 1-1,5 литр мева шарбати ичилади.

10 кун рўзадан сўнг иштаха очилмаса, рўзани давом эттириш керак. Аммо рўзани давом эттириш учун ўзида куч топа олмаганлар, ўзларини қийнамай, иштахалари очилгунча, мева шарбати ичишни давом эттиришлари мумкин.

2-чи кун: Эрталабдан тушгача 3/4 мева шарбати + 1/4 сув аралашмаси ичилади. Тушдан кечкурун гача ҳар 3 соатда исталган мева бошқа бир мева билан аралаштирилмасдан ейилиши мумкин.

3-чи кун: Эрталаб мева суви, сўнг мева, сўнгра салат, сўнг эса кечкурун гача яқин ёғсиз ва тузсиз, оз сув билан паст температурада пиширилган сабзавот ва сабзавот шўрваси ейилиши мумкин. Бу илк 3 кунда жигаранг, қора ва яшилсимон рангли йирик нажас келиши мумкин. Келмаса, 3-чи ёки 4-чи кун эрталаб клизма қилинади.

4-чи кун: Худди 3-чи кун бўлгани каби, фақат кечкурун қовоқ, селдир, пиёз, карам, лавлаги каби сабзавот овқати билан 30 гр. нон ёки қайнатилган (димланган) гуруч ейилиши мумкин. Овқатга 1 ош қошиқ сизилган зайтун ёғи, ингичка кесилган шивит, петрушка, янги пиёз ва саримсоқ қўшимча қилиниши мумкин.

5-чи кун: Эрталаб асал сиропи ичиши мумкин. Асал табиий бўлиши ва 30 граммдан кўп бўлиши лозим эмас. Очқанда мева, тарвуз ёки қовун, 3 соат сўнгра янги салат ейилади. Кечкурун гача яқин зайтун ёғи, саримсоқ ва пиёз билан қовурилмасдан тайёрланган сабзавот озиғи 50-60 гр. нон билан ейилиши мумкин. Бу овқатга қатик қўшиб эса ҳам бўлади.

6-чи кун: 5-чи кун бўлгани каби айни овқатлар (сабзавот озиғи, қайнатилган (димланган) гуруч, қатик ва салат) ейилади. Нон ва гуруч аралаштирилиб ейилмайди, ё гуруч, ёки нон ейилади.

7-8-чи кун: 6-чи кунда бўлгани каби озиқланилади. Қўшимча равишда ловия ейиш мумкин

9-чи кун: Қўшимча равишда балик ейиш мумкин.

10-чи кун: Ғўшт ейиш мумкин. Эслатма: рўзадан кейинги 10 кун мобайнида фақат юқорида ёзилганлар ейилиши мумкин. Пишлоқ, сут, туз, шакар, қаҳва, қора чой, тайёр таомлар ва ичимликлар қатъиян қўлланилмаслиги керак. Бир грамм

туз ҳам вужуддаги сув-туз мувозанатини дарҳол бузиб, баданни шиширади. Биринчи овқат ҳазм бўлмасдан иккинчи овқатни ейиш хавфлидир.

Бу нарса ҳазмнинг бузилишига, ичакларда газ тўпланишига ва ичак ўралишига сабаб бўлиши мумкин.

10 кунлик очликда қусиш бошланса, тўхтатиш учун: Қоринга ва курак суяги орасига банка қўйилади.

Арғимчоқда учиш ҳам қусишни тўхтатади. Баъзан қусиш бир неча кун (3-4 кун) чўзилиши мумкин. Бу ҳолатда ялпиз, селдир япроғи, лимон пўсти, валериана, беҳи ва сирка ҳидлаш, тўхтамас, янги янчилган ва туйилган қора қалампирни ҳидлаш, шунда ҳам тўхтамас, сув ичиш, ғул олиш ва клизма қилиш керак.

Қусиш шундан кейин ҳам тўхтамас, олма чайнаб, сувини шимиш, қолдиқларини ташлаш керак, ёки грейфрут, ё лимон сувини сўриб, рўзани очиш мумкин. Рўза шу шаклда очилгандан кейин ҳам мева суви ичиш давом эттирилади. Рўзадан зарар келмаслигига ишониб, қусишга сабр қила олган ва рўзани давом эттирган инсон кўп касалликлардан қутилиши мумкин. Чунки қусиш мияда ўзгаришлар бўлганлигига, вужуддан оғир захарларнинг чиққанлигига ёки жигар ва талоқнинг оғир хасталигига ишоратдир. Тинмай қусишни тўхтатиш учун: Тошчўп (жамбул) ва ялпиз дамланади, анор сувини қўшиб ичилади

Ёки Қайнатиб қўйилган чиннигул суви ютум-ютум қилиб ичилади, лимон суви ичилади ёки ютмасдан беҳи чайланади. Ўн кунлик рўзани ёшлар тез тута олади. 40 ёшдан ошган шошлинч беморлар ва жуда эҳтиёжи бўлганлар аввал 10 кун фақат грейфрут, сабзи ва олма шарбати ичгандан ва жигарни тозалагандан сўнг 10 кунлик рўза тутишни бошлашлари мумкин. Рўзанинг соғлиқ учун ҳеч бир зарари ва зарар хавфи йўқ. Аксинча, фойдаси катта бўлади. Фақат рўзани тўғри тутиш, қоидаларини бузмаслик лозим. Бундан ташқари, 10 кунлик рўзани тутиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Бир марта очлик завқини татиб кўрган киши тўқликдан мамнун бўлмайди, очликни соғинади. Бир қанча 10 кунлик рўзадан сўнг инсон ўзини жуда соғлом ҳис этади. Озиқланиш қонунларига риоя қилган, ҳафтада 36 соат ва ойда 3 кун, ҳижрий ойнинг 13, 14, 15-чи кунлари оч қолган инсоннинг вужуди соғлом бўлади. Бундан ташқари, бадан-руҳ соғлиғининг мувозанати ёлғиз беш вақт намоз билан соғлом бўлади. Бир киши “Мени тозала”, деб, Исо алайҳиссаломга илтимос қилганида, Исо алайҳиссалом: “Сени тозалайман, аммо сен уйингни (вужудингни) тоза тутмасанг, эски хасталиклар ва

туноҳлар бу сафар бошқаларини ҳам тўплаб келади”, деб жавоб берган. Очлик, мияни жойлашган зарарли дастурлардан тозалайди, тушуниш, англаш, ўрганиш қувватини, конценрация (фикрни бир жойга тўплаш) қобилиятини, кўриш, эшитиш, татиб кўриш ҳиссиётларини кучайтиради. Очликдан сўнг инсоннинг кўрган тушлари ғўзал, рангли ва жонли бўлади. Бу даражага етган инсон учун илм олиш ва Қуръони Каримни ўрганиш вақти келгандир. Зеро, “Қуръони Каримдан шифо изламаган, шифо топа олмайди”. Курони Каримнинг ва фарз ибодатларининг химоясидан ташқарисида қолган инсон бир тузоқдан қутулар-қутулмас, бошқа бир тузоққа тушаверади. Яъни, аслида, муолажанинг мукаммали - Қуръони Карим ва очлик билан даволанишидир. Чунки Қуръони Каримда ва очликда инсоний қонунлар эмас, илохий қонунлар ишга тушади. Муолажа эса бу қонунларга риоя этган, мослашган вужудни химоя қилиш механизмини рўёбга чиқаради. Кўп ейиш, қўшимча моддалар таомларни истеъмол қилиш ва синтетик дори қўлланиш туфайли вужудда тўпланган моддалар очлик воситасида организмдан чиқариб ташланади. Қуръони Карим оятлари билан эса ҳужайраларнинг зикри тўғриланади. (“Хасталикларнинг бошланиши ва ривожланиши” бўлимига қаранг.) Албатта, узоқ муддатли ва оғир касалликлар туфайли бузилган аъзоларнинг бағамом олдинги ҳолига қайтиши, соғайиши имконсиз. Бу аъзоларнинг соғайган қисмлари аъзонинг ишлашини маълум даражада компенсация қилади. Мисол учун, соғлом киши 3-5 кишилик овқатни бир ўзи бир ўтиришда еб тугатиши мумкин, бундан организм зарар кўради, аммо сўнгра бу ишнинг улдасидан чиқади. Лекин бундай “тажриба” оғир касаллик натижасида аъзолари зарар кўрган бир кишини ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Оғир касалликни бошидан кечирганлар ҳаёти давомида қуйидагиларни қилишлари зарур: Тартиб билан мева шарбати, зулук қўйиш ва қон олдириш билан қонни тозалаш. Сув ва овқат сифатига диққат қилиш. Овқатларнинг ҳамма вақт янги ва табиий бўлганларини, сабзавот, мева, асал, қуруқ мевалар каби янги униб чиққанларини афзал кўриш. Микдорига қараб оз ейиш лозим-ки, аъзолар бу еган микдорни ҳазм қилишда ва тарқатишда қийналасин. Ошқозон ва ичакларда газ вужудга келтирадиган, мижозга тўғри келмайдиган овқатлардан, янги ачиткили нондан, эски ва айниган мевадан (хусусан, айниган ширин олма, банан, қовун ва нокдан) сақланиш.

(Давоми кейинги бетда)

ОЧЛИК БИЛАН ДАВОЛАШ (РЎЗА) / КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАВОСИ

Давоми боши олдинги бетда

Оғир жисмоний ишлардан, оғир кимёвий моддалар бор жойда иш-лашдан, кимёвий модда қўллашдан қочиш. Тўғри озикланиш одатини ўрганиб, озикланиш қоидаларини бузмаслик ва ичакларнинг фаолиятини доимо назорат қилиш. Ҳар йил юқорида келтирилган муолажани қилиш ва ойда 3 кун ёки ҳафтада бир кун очликни бошдан ўтказиш. Бу қоидаларнинг барчасига беморлар ҳам, соғлом кишилар ҳам риоя этишлари керак. Шу ергача ёзилган барча тавсиялар ва дорилар фақат касаллар учун эмас. Бу дориларни айни вақтда озуқа бўлгани учун қатта, кичик, эркак, аёл, ёш, қарилар ҳам истеъмол қилиши мумкин.

КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАВОСИ

“Аллоҳ сизга ўлакساني, қонни, чўчка гўштини ва Аллоҳдан бошқанинг номига сўйилганни (Аллоҳдан бошқанинг номи билан қилинган таомни) ҳаром қилди. Кимки но-чор вазиятда қолса, суистеъмол қилмасдан ейишга мажбур бўлса, унга гуноҳ йўқдир. Шубҳасиз, Аллоҳ жуда марҳаматли ва кечиримлидир”. (Бақара сураси, 173)

“Хасталикларнинг сабаблари” бўлимида тананинг касалланиш механизми тушунтирилди. Йўл қўйган хатоларимизга қўра “қасалланиш механизми” яратилгани баробарида “тузалиш механизми” ҳам яратилган. Тузалиш мўъжизасини фақат ва фақат вужуднинг “тузатиш механизми” (иммунитет) амалга оширади. Бизнинг амалга оширишимиз лозим бўлган нарса - мазкур механизмни жонлантириш ва ишлатиш, сўнг бу ишга тўсиқ бўлмаслик. Ушбу китобда баъзи қиммат ёки қийин топиладиган ва тайёрланмаган турли дори таркиблари берилган. Аммо улар ёрдамчи бўлишдан нарига ўтмайди.

Ҳар бир касалликнинг асосий сабаби кўп ейиш эканини инобатга олсак, фақат очлик билан тузалиш мумкин, ўша дориларнинг ҳеч бирини қўлланмай туриб, тузалиши мумкин. Тузалиш дориларга боғлиқ бўлганда эди, фақирлар доим хаста, бойлар доим соғлом бўларди-ки, бу Аллоҳнинг адолатига тўғри келмасди. Аҳвол бунинг бутунлай аксидир. Очлик иммунитетни жонлантиради ва бутун хасталикларни тубдан йўқотади.

Очликдай радикал ва хавф туғдирмайдиган, харажатсиз, зарарсиз ва тез соғлиққа етиштирадиган иккинчи бир усул йўқ. Очликни бошдан ўтказишдан аввал ҳеч бир дори, ҳеч бир ўсимлик



ва овқат тананинг яхшиланишига тўғридан-тўғри таъсир эта олмайди; улар фақат очлик билан биргаликда қўлланилгандагина фойда беради. Бу муолажани амалга ошириш давомида тузалиш кризислари юз беради. Аниқ-ки, тузалиш вақтида ҳам инсон иссиғи кўтарилади, кусади, оғрик ва санчик тутади, фақат тузалиш жараёнида бу нарсалар анча енгил кечади. Бошқа бир тузалиш йўли бўлмагани сабабли, сабр қилишдан ва соғлом турмуш қоидаларига риоя этишдан бошқа чорамиз йўқ.

Жарроҳлик амалиёти

Бу китобда тушунтирилган муолажа усули татбиқ қилинса, ҳеч кимнинг -ҳалокатлардан ташқари - жарроҳлик амалиёти каби бир аралашувга эҳтиёжи қолмайди. Бундай амалиётдан қочиш чораси қолмаса, бемор амалиётдан сўнг иштаҳаси келмагунча овқат емаслиги, истамагунча бир нарса ичмаслиги лозим. Иштаҳа келганда фақат ўзи истаган мева ва сабзавотларнинг шарбатини ичиши мумкин. Инсон “фойдали” деб, истамаган егулигини ейиши қатъиян ман қилинади. (“Шиш ва Рак” бўлимига қаранг.) Мия фаолиятига оғир таъсири борлиги сабабли амалиётлар пайтида умумий оғриксизлантиришдан, яъни анестезиядан сақланиши лозим. Умумий анестезия тadbик қилинса, амалиёт сўнгида миёда вужудга келган таҳликали ҳолат учун шошилинич муолажа тadbик этилиши лозим. (“Конвулсиялар” бўлимига қаранг.) Баъзан беморлар бошидан кечирган оғриқдан қутилиш учун амалиётга рози бўладилар. Фақат, қўли, оёғи, бодомсимон безлари, бачадони ёки ўт пуфағи амалиёт билан олинган баъзи хасталар, ҳис этадиган санчик, оғрик, акашак (томир тортишиши, конвулсия) ва кичималар амалиётдан сўнг ҳам йўқ бўлмайди. Чунки мия марказидаги у органга оид қайдлар йўқ бўлмайди ва - хаста орган

олиб ташланганлиги сабабли - бу оғриқларнинг давоси бўлмайди. Бодомсимон безларнинг, ўт пуфағи, бачадон каби аъзоларнинг амалиёт билан олиб ташланиши - замонавий тиббиётнинг жиноятидир. Бу тиббиётнинг ҳуқмига рози бўлиб, омонат берилган ўз танасига қарши туриш эса - беморнинг жиноятидир. Чунки, нафақат бир аъзо, балки инсон вужудидаги ҳар бир ҳужайра соғлиқ учун қатта аҳамият касб этади. Аъзолардаги ҳужайралар ишлаб чиқарган энергия вужуднинг бутун энергиясини ўзида тўплаган ягона энергия каналига оқади. Ҳар аъзо у билан айни зикрни амалга ошираётган планета ва планеталар гуруҳига энергия йўли билан боғлиқдир. Тана учун ёлғиз бир аъзонинг олиб ташланиши - қуёш тизимидаги планеталардан бирининг йўқ бўлиши каби буюк фожеадир. Аъзоларнинг кўчирилиши Ислом ўлкаларида динимизнинг “ҳаром нарсани фақат тирик қолиш учунгина ейиши мумкин” (“Бақара” сураси, 173) деган руҳсатиға таяниб, бир кишининг баданидаги органини бошқа бир киши баданига кўчиришига фатво берилган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Ўлик бир одамнинг суягининг синдирилиши тирик одам суяги синдирилиши ка-бидир ва ҳар иккиси ҳам гуноҳдир”, деганлар. (Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Ибн Ҳиббон ривояти). Баъзи олимлар бу ҳадисни шарҳларкан, шундай дейдилар: “Тирик бир одамнинг қорни ёрилишига, бўйнининг кесилишига; вужудини кесиб, ўпка, жигар, юрак ва буйрак каби бир аъзонинг ва кўзларнинг чиқарилишига изн берилмаганидек, буларни жонсиз бир жасадда амалга оширишга ҳам Исломда изн йўқдир”. Бир жонзотнинг аъзосини олишни истамоқ – ноҳақликдир, аммо жонли мавжудот ўзини химоя қилиши мумкин. Лекин бир ўликнинг аъзосини олиш – жиноятдир, чунки жонсиз мавжудот ўзини химоя қилаолмайди.

ОЙДИН СОЛИҲ
“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолдин Йўлдош